Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1994 йил 5 январь, чоршанба

№ 1-2 (6589).
Баҳоси сотувда эркин нархда.

● УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

● 1994 ЙИЛ ЮНЕСКО ҚАРОРИГА БИНОАН «ОИЛА ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

● ФАЗЛИЙ НАМАНГОНИЙ ИСҚОТЛИҚ ҚИЛГАНМИ?

● МУМТОЗ МАТНЛАРДАН ДИҚТАНТ ЁЗДИРИШДА ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН

● ҚИРҚ ЙИЛ МУҚАДДАМ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТГАН МАКТАБ РАҲБАРИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам ва меҳрибон онахону отахонлар, опа-сингиллар, ака-укалар! Ҳурматли дўстлар!

Мана, 1993 йил билан хайрлашиб, 1994 йилга қадам қўймоқдамиз. Бизга кўплаб ташвишу синовлар, шу билан бирга қувончу шодликлар келтирган эски йилимиз ҳадемай тарих бўлиб қолади.

Ўтган йилни кузатар эканмиз, орамизда бўлган баъзи тушунмовчилик, хафагарчилик, ғина-кудуратлар, кечган низоларни кечириб, унутиб, соф ният билан оиламиз, фарзандларимиз, дўсту биродарларимиз даврасида эл-юрт истиқболига, эртанги кунларга атаб умидли режалар тузамиз.

Умримизнинг яна бир йилини сарҳисоб қилсак — ҳаётимизда ёркин из қолдирган кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлдик, синовлардан ўтдик, машаққатли тўфонларни енгдик; юртимизнинг, халқимизнинг, ёш мустақил давлатимизнинг обрўйини, ҳурматини, салоҳиятини юксалтирадиган, бугун ҳар қанча ғурурлансак арзийдиган олижаноб ишларимиз туфайли бир-биримизни танидиқ, тажриба орттирдик, мустаҳкам бўлдик, эртанги кунимизга пойдевор қўйдик.

Қадриятларимизнн, маънавиятимизни тиклашга, улуғ бобокалонларимизнинг пок руҳлари озод тупроғимиз узра мағрур парвоз этишига, уларнинг сиймолари ҳаётимизда қайтадан муносиб ўрин топишига замин яратдик.

Ҳаётимизни янгилашда, замон талабига жавоб берадиган бозор иқтисодиётига ўтишда, халқимиз учун муносиб фаровон келажак, адолатли жамият андозаларини яратишда сезиларли қадамлар қўйдик.

Халқимизнинг ақл-заковати, машаққатли меҳнати билан амалга оширилган хайрли ишларимиз, эришган натижаларимизнинг пойдевори — юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, Ўзбекистонда яшаётган миллатларнинг ўзаро аҳиллиги, фуқаролар тотувлигидир.

Бу бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, кўз қорачиғидай асрайдиган дурдонамиздир.

Азиз юртдошлар!

Эзгу мақсаду муродларимизга эришиш йўлида ҳали кўп синовлар бор. Уларни сабот билан енгиб ўтишимизга шак-шубҳа йўқ. Негаки, биз—аҳил ва тотув халқмиз. Негаки, бизнинг ниятларимиз она сутидек оқ ва ҳалолдир. Қийинчиликларни енгиб ўтишда ҳаёт биздан ғайратни, шижоатли меҳнатни, сабру қаноат ва фидойиликни талаб этади. Халқимизга, Ватанимизга муҳаббатимиз ва садоқатимиз ана шу фазилатлар билан ўлчанади.

Қадрли дўстлар!

Сизларни кириб келаётган янги йил билан самимий табриклайман. Шу юрт иқболи учун жонини тиккан ҳар бир инсонни бағримга босиб, тинчлик-омонлик, оилавий бахт-саодат тилайман. Руҳингиз озод, рўзғорларингиз обод бўлсин, насибангиз бут бўлсин, ҳонадонингиздан файзу барака аримасин. Яхши ниятлар йўлдошингиз бўлсин, азиз ватандошларим!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1994 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1994 йил 1 январдан бошлаб:

иш ҳақининг энг кам миқдори ойига 30.000 сўм-купон қилиб белгилансин, иш ҳақи шунга мувофиқ равишда оширилсин;

фуқароларнинг солиқ ундирилмайдиган даромадининг энг кам миқдори ойига 30.000 сўм-купон қилиб белгилансин;

меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори ойига 32.450 сўм-купон қилиб белгилансин, ҳозирги вақтда амалдаги барча пенсия турлари миқдори шунга мувофиқ равишда оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари талабалари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўртача 1,2 баравар қўпайтирилсин.

1994 йил 1 январдан бошлаб талабалар ошхоналари ва буфетларида тушлик овқат қийматидан 50 фоизлик чегирма ўрнига ҳар бир талаба (ўқувчи)га ойига 10.000 сўм-купон миқдорида пул компенсацияси белгилансин.

3. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан пул билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги мазкур фармонда белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдорига асосланиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф жадвали разрядларига мувофиқ равишда ходимларнинг мансаб маошларини, шунингдек, пенсиялар миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

4. Бюджет ҳисобидан пул билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимлари иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ ҳаражатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта жамғармаси маблағи ҳисобидан қопласин.

5. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги корхоналарга ва ташкилотларга даромад манбаларини қидириб топишга қараб иш ҳақини мазкур фармонга мувофиқ ошириш, даромадлар вақтинча етарли бўлмаган тақдирда эса, банк муассасалари томонидан шу мақсад учун бериладиган кредит ҳисобидан ошириш тавсия этилсин.

6. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКСАВДО» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ВА «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 16 июлдаги 360-қарорига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига, жумладан, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига эркин нарх белгиланишига ўтишни 1994 йил 1 январгача ниҳоясига етказиш белгиланган эди.

Бу, иқтисодий ислоҳотлар йўлини давом эттириш, ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ҳамда яқин ва олис хориждан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш харажатларининг ошиб бораётгани, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотларини республикадан ташқарига ғайриқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишга уринишлардан ҳимоя қилиш зарурлиги билан боғлиқ.

Ана шу вазиятни ҳисобга олиб, шунингдек, аҳолига ижтимоий мадад бериш мақсадида «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» ва республика Молия вазирлиги қуйидаги қарорни қабул қилдилар:

1. Аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан белгиланган миқдорда таъминлашнинг амалдаги тартиби вақтинча узайтирилади;

2. 1994 йилнинг январь ойида гуруч, ўсимлик ёғи, қанд-шакар ва чойнинг шартнома асосидаги (эркин) чакана нархларининг амалдаги даражаси сақланиб қолади;

3. Сотиб олинаётган буғдой ва шу буғдойдан тортилаётган ун қийматини кескин ортишига (дон — 1 килограмми 150 сўм-купон, буғдой унининг 1 килограмми—200 сўм-купон) қарамай, нон навларига белгиланган чакана нархлар 1994 йил январь ойида олдинги даражада сақланиб қолади. 1994 йилнинг январида нон учун давлат томонидан ажратилаётган ёрдам пули 1993 йилнинг декабридаги 3,7 миллиард сўм-купондан 1994 йил январида 11,5 миллиард сўм-купонга етишини ҳисобга олиб, шу даражада қолдирилсин;

4. 1994 йил 4 январдан бошлаб қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари шартнома асосидаги (эркин) нархларининг қуйидаги янги даражаси келишиб олинди:

1 категориядаги ҳамма турдаги гўшт (парранда гўштидан ташқари)	— 1	килограмми 4500 сўм-купон,
Ёғи олинмаган сут	— 1	литри 300 сўм-купон,
Ун ўртача	— 1	килограмми 250 сўм-купон,
Кир совун	— 1	донаси 200 сўм-купон.

Шу билан бир вақтда республика ҳукумати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига ишлаб чиқариш чиқимлари ва харажатларни қисқартириш ҳисобига, шунингдек, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва рақобатни ривожлантириш ҳисобига шартнома асосидаги чакана нархларнинг келишилган даражасини пасайтириш ҳуқуқини берди.

ИСЛОМ КАРИМОВ — ХАЛҚАРО МУКОФОТ СОҲИБИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун» мукофотининг лауреати бўлди. Бу мукофотни «Руҳоният» деб аталган маънавиятни тиклашга кўмаклашувчи халқаро уюшманинг кенгаши берди. Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё халқлари ўртасида яхши қўшничиликни ўрнатишга катта ҳисса қўшгани учун шу мукофотга сазовор бўлди.

«Руҳоният» уюшмаси 1992 йилда Қирғизистон Республикасининг пойтахти Бишкекда тузилган эди. Ҳукуматга дахлдор бўлмаган бу халқаро ташкилот миллий ва умумбашарий қадриятларни тиклаш ва тарғиб қилишни, халқларни маънавий жиҳатдан қайта тиклашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Москвада, бошқа катта шаҳарларда уюшманинг бўлимлари бор. Уюшма кенгаши аъзолари таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан ва маданият ходимларидир.

(ЎзА).

Шу кунларда ўқувчиларнинг қишки таътили давом этмоқда. Ҳар жойнинг ўзига яраша қулайликлари бор. Шаҳар болалари баланд қирларда яхмалак учаётган қишлоқ болаларини кўриб ҳавас қилса, ўз ўрнида қишлоқдагилар тенгдошларининг ораста-шинам майдонларда, оромгоҳларда сайр этаётганига ҳавас қилишади.

Ҳа демай, мактаб яна уларни қучоғига олади. Хуш кайфият, тиришқоқлик билан билим олиш кўп жиҳатдан кўнгилли ҳордиққа боғлиқ.

СУРАТЛАРДА: пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонидан лавҳалар.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА

Куни кеча республика Ўқувчилар саройи одатдагидан гавжум ва файзли бўлди. Бу ерда уюштирилган Янги йил арча байрами кичкинтойларга ва уларнинг ота-оналарига ҳам завқ-шавқ бағишлади.

Чиройли қилиб безатилган арча атрофида «Қутлуғ бўлсин, Янги йил!» мавзусида махсус театрлаштирилган томоша намойиш қилинди.

Ўқувчилар саройида фаолият кўрсатаётган «Чаман» болалар фольклор рақс дастаси, «Юлдуз» дастаси ҳамда доирачи, карнайчи-сурнайчилар ҳам ўз маҳоратларини кўрсатиб, кичкинтойлар кайфиятини хушнуд этишди.

Мухбиримиз.

Гапнинг нақди

ЭШИТГАНДАН КЎРГАН АФЗАЛ...

Жумҳурият, вилоят марказидаги шаҳар мактабларининг б а х т и кулган ўқувчилари шанба, якшанба ҳамда таътил кунларида театр ва кинотеатрларга тушади, адабиёт дарсларида олган назарий билимларини саҳнада кўрган асари ёрдамида мустаҳкамлайди.

Илгари қишлоқ ўқувчилари ҳам шундай имкониятлардан фойдаланарди. Саҳналаштирилган, кинолаштирилган «Қутлуғ қон», «Оловли йўллар», «Ўтган кунлар», «Алишер Навоий» каби ўнлаб кино ва саҳна асарларини ойнаижаҳон экранлари орқали томоша қилган собиқ ўқувчиларимиз нисбатан бўлса-да, яхши билимга эга эди.

Мустақиллик туфайли янги адабиётимизга ўқитувчи-ўқувчиларимизга шу кунгача нотаниш бўлган адиблар, асарлар киритилиб, ўзбек адабиёти миллий аҳамият касб этаяпти. Аммо ўткинчи қийинчиликлар, бозор иқтисодиёти баҳонасида адабиёт дарсликлари ўқув дастурларидаи бир қанча вақт кеч чоп этилаяпти. Дастурда кўрсатилган ёзувчи-шоирларнинг ижодига доир материаллар топилмаяпти. Кўпчилик ўқитувчиларимиз синф журналларига йиллик иш режасида мўлжалланган дарс мавзуларини қайд этишаяпти-ю, ўқувчиларга баъзи адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақида тўла маълумот беролмаяптилар.

Халқимизда «Минг марта эшитгандан бир бор кўрган афзал» деган ҳикмат бор. Агар юқори синфларнинг адабиёт дастурларига киритилган Беҳбудий, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шоир-ёзувчиларнинг саҳналаштирилган ва экранлаштирилган асарлари вақти-вақти билан республика телевидениеси орқали мунтазам намойиш этилиши одат тусини олса янада яхши бўларди.

Н. ЭШҚУВВАТОВ,
Пастдарғом туманидаги 24-ўрта мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси.

«АЛИФБЕ» НИМА ДЕГАНИ?

Мактабларимизда илк сабоқни «Алифбе» дарслигидан оламиз. Алифбе, албатта, арабча сўз. Ўзбек совет энциклопедиясида: «Алиф—араб алифбосидаги ва шу алифбо асосида тузилган эски ўзбек ёзувидаги биринчи ҳарфининг номи. Алифбе эса бирор тил ёзувида қўлланиладиган ҳарфлар — график белгилар йиғиндиси», дейилган.

Маълумки, алифбе сўзи араб алифбосининг дастлабки икки ҳарфидан — алиф ва бе номларидан олинган. У «Алифбо» деб ҳам аталади. Энди ҳақли савол туғилади: ҳозир мактабларда ўқитилаётган «Алифбе» китобининг номи мантиқан тўғри қўйилганми? Бизнингча, йўқ. Негаки, бу китоблар орқали араб имлоси асосидаги ҳарфлар эмас, балки ўрис имлоси асосидаги ҳарфлар ўргатилмоқда. Энциклопедияда: «Алифбе — дастлабки савод берадиган ўқув қўлланмаси», дейилади. Шундай экан, дастлабки савод берувчи қўлланманинг бирор жойида арабий ҳарфлар бўлмаса-да, номини алифбе деб атасак, тўғри бўлармикин?

Тарихга мурожаат қилайлик. 1909 йили тошкентлик мулла Саййид Расулхўжа домла Саййид Аҳзихўжа маҳдум муфти ўғлининг «Устоди аввал», бир йилларда Рустамбек ибн Юсуфбекнинг «Таълими аввал», ўктябр тўнтаришидан сўнг Шокиржон Раҳимийнинг «Совға» номли илк сабоқ берувчи китоблари чоп этилган. Бу ўқув қўлланмаларига, улар араб ҳарфи асосида ёки асосида эмаслигидан қатъи назар, «Алифбе» номи берилмаган. Ҳозирги ўқув қўлланмалари эса, гарчи уларда бироита арабча ҳарф ўргатилмаса-да, «Алифбе» деб номланган. Буни қандай тушуниш мумкин? Қўлланмада арабча ҳарфлар ўргатилса (эски ўзбек ёзуви назарда тутилмоқда), «Алифбе» дейиш керак. Борди-ю, бошқа халқаро имлоси асосида ўргатиладиган бўлса, бундай ном бериш шарт эмас. Албатта, булар менинг шахсий фикрларим. Яқинда лотин имлосига ўтилади. Агар китобда лотинча ҳарфлар ўргатилса-да, устига «Алифбе» деб ёзиб қўйилса янаги мантиққа тўғри келмас, деб ўйлайман.

Имломиз ўрисчасига алфавит дейилади. Алфавит ҳам аслида алифбо деган маънода. Бинобарин, имломизда бироита арабча ҳарф ўргатмасдан, уни алфавит ёки алифбе деб, айтсак, мантиқан хато бўлади. Яна билмадим, балки талаффузда шунга ўрганиб қолдикми? Лекин алфавит сўзининг бошидаги учта ҳарф «алф» талаффузи ҳам «алиф»дан олинганлигини унутмайлик. Ё у йўлдан борайлик, ё бу йўлдан.

Мурод Мирзо АҲМАД
Қорн ўғли.

ТИЖОРАТЧИ КИМУ ЧАЙҚОВЧИ КИМ?

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига олиб борадиган йўлнинг икки томони савдо расталаридан иборат. Бу ерда, таъбир жоиз бўлса, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса сотилади.

Ёши йигирмаларга борган, олифта, тилла тишли ўсмир сухаридан бўшаган қоғоз қути устига турфа хил тамаки маҳсулотларини териб қўйиб ўтирибди. Уларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилган сигаретлар. Баҳоси билан қизиқдим:

— «Астра» неча сўм?

— Бир ярим минг сўм.

— Буниси-чи?

— Ўн минг сўм?

— Вой-бў, нархи жа осмонда-ку?

— Ёу Америка сигарети, ока, ҳиди ҳам, кайфи ҳам зўр.

— Шунақа денг. Ҳозир «Астра», «Прима» ва «Тошкент» сигаретларининг давлат нархи нари борса 150-200 сўмдан ошмаса керак, нега бунча қимматига сотяпсиз? Сизда инсоф борми, ўзи?

— Бу менинг ишим. Бозор иқтисоди шароитида ўз молимни истаган баҳога сотаман. Менга пул керак, пул!

Олифтанинг гаплари менга қаттиқ ботди. Бу маҳсулотларни ўзи ишлаб чиқарган ёки чет эл сигаретлар сингари уларни ҳам азият чекиб, хориждан олиб келган бўлса, кошкийди. Ўз жумҳуриятимизда тайёрланган, давлат дўконларида сотилиши лозим бўлган тамаки маҳсулотлари билан чайқовчилик қилаётганига нима дейсиз?..

Умумаи олганда, Тошкентдаги ва Самарқанддаги тамаки фабрикалари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар қандай қилиб чайқовчилар қўлига ўтиб кетаяпти? Мутасадди ташкилотлардаги масъул шахслар қаёққа қарашаяпти? Бу кетишда қачон ҳақиқий тижоратчи билан чайқовчининг фарқига борамиз?..

А. МИРОЛИМОВ.

АДИБ САБОҒИ

Яқинда республика Ўқитувчилар уйида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан Тошкент шаҳар мактаблари ўқитувчилари, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳининг тил ва адабиёт факультети ҳамда республика педагогика билим юрти талабаларининг учрашуви ўтказилди. Тадбирдан мақсад мактаб дарслигига номи кирган ёзувчининг ижоди, ҳаёти, қолаверса, эл тилига тушган асарларининг яратилиш тарихи билан тил ва адабиёт ўқитувчиларини яқиндан таништириш эди.

Жумҳурият халқ таълими вазирининг муовини Б. Қодиров учрашувни очиб, ёзувчининг адабиётимиз ривожига қўшаётган ҳиссаси хусусида тўхталди ва бундай учрашувлар яхши анъанага айланганлигини мамнуният билан таъкидлади.

ТошДУ профессори, Ҳамза номидаги давлат мукофотининг соҳиби Озод Шарафутдинов йиғилганларга ёзувчининг ижоди ва ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб берди. «Инсон ёзувчи ёки шоир бўлиб туғилмайди,— деди у.— Лекин ҳаёт уни ёзувчи, шоир ёки бошқа касб эгаси бўлишга ундайди. Одил Ёқубовнинг болалиги оғир даврга тўғри келди. Отаси қатағон йилларининг қурбони бўлди. Ўша кезларда Одилжон 10 ёшга тўлмаган эди. Ёш гўдакда қон қақшаб қолган онаизорининг дарду аламларини, ўз қалбида ноҳақликка қарши жўшураётган ҳиссиётлар туғёнини қоғозга тушириш истаги пайдо бўлади. У шу орзу, шу мақсадда яшайди. Бу мақсад ижод қилишга, ижод эса ҳаёт билан, халқ турмуши ва тарихи билан яқинроқ танишишга чорлайди!..»

Олим ўз сўзида илгарилари Одил Ёқубовнинг асарлари ҳар хил баҳоналар билан дарслик мажмуаларга киритилмаганини эслаб ўтди.

— Яна бир гап,— деди олим,— эндиликда қайта қуриш юз бериб, илгариги кўп нарсалар инкор қилинган даврда айрим адабий асарлар эскирганлиги ҳақида турли фикрлар билдирилмоқда. Бу ўринда мен бир фикрни айтишим лозим: ҳақиқий бадиий асар ҳеч қачон эскирмайди, эскириши ҳам мумкин эмас. Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё» каби тарихий романлари шулар жумласидандир. Негаки, уларда қандайдир партия ёки оқим ғояси эмас, балки чин инсоний қадриятлар тараннум этилган. «Улуғбек хазинаси» ёзувчи Улуғбекнинг шоҳлигини тасдиқлайдиган воқеа, ҳодисаларни эмас, кўпроқ унинг шахсий ички кечинмаларини, маънавий дунёсини кўрсатишга интилади. Улуғбекдаги халқпарварлик хусусиятлари эса Одил Ёқубовнинг маънавияти билан ҳамоҳангдир.

Таниқли санъаткор Зикир Муҳаммаджонов Одил Ёқубовнинг драматург сифатида яратган «Олма гуллаганда», «Айтсам тилим, айтмасам дилим»... каби асарларини тилга олди. Сўнгра «Улуғбек хазинаси» романидан парча ўқиб берди.

Учрашувда шоир, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг масъул ходими Сафар Барноев, педагогика фанлари номзоди, тилшунос олим Йўлдош Абдуллаев ва шоир Миразиз Аъзам ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Одил Ёқубов адабиёт дарсларини ўтишда ўқитувчиларни қийнаши мумкин бўлган айрим муаммолар хусусида тўхталиб, «Яхшиямки, худо асрадими, билмадим, ҳарҳолда, «Улуғбек хазинаси»да Хўжа Аҳрор образини дин ва хурофот пешвоси сифатида талқин этмаганман. Ваҳоланки, ўша даврда, ўзингларга маълум, ҳамма ижодкорлар шундай қилишга даъват этиларди», деди.

Очиқ мулоқот жараёнида адиб кўплаб саволларга жавоб қайтарди. Ўқитувчилар зиммасига улкан вазифалар юклатилганини эслатиб, шундай деди: «Мен ҳақиқий ўқитувчи образи устида ўйлаб «Ўқитувчи» мақоласини қоғозга туширганман. Унда муаллимда ўқувчиларни дарсга қизиқтириш қобилияти бўлиши шартлиги, қизиқтириш воситалари, яъни уларга маълум бўлмаган, кўпинча жумбоқли, савол уйғотадиган масалаларни биринчи бўлиб ўқитувчи тушунтириши муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида ёзганман. Бу борада сизларнинг меҳнатингиз беқиёс.

Мулоқотда ёзувчи сабоғи ўз салмоғи, залвори ва ҳаётбахшлиги билан ўқитувчилар қалбига қувонч бағишлади. Бу қувонч ўз тарихидан, ўз тақдири ва толеидан беҳад мамнунлик завқи эди.

Шуҳрат ҲИДОЯТОВ,
Мукамбар АЗИМОВА.

Дарсликларни варақлаганда

ФАЗЛИЙ ИСҚОТЛИК ҚИЛГАНМИ?

Мактабларнинг 9-синфи учун 1993 йилда нашр этилган «Ватан адабиёти» дарслик-мажмуасини кўздан кечираётиб, таажжубланарли ҳолга дуч келдик: китобда XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир Махмур шеъриятидан намуна сифатида унинг «Амаким» асари киритилибди ҳамда Махмур ўз замондоши бўлган Фазлийнинг «сарой шоири бўлгани, Амир Умархонга маъқул асарлар ёзишга уринган учун танқид қилган» деган тушунтириш берилибди. Бундан англашиладики, Фазлий икки жиҳатдан айбдор экан: биринчидан, у «сарой шоири», иккинчидан, «Амир Умархонга маъқул асарлар ёзишга уринган». Фазлийни бу тарзда айблаш аввалги ҳукмрон мафкура таъсиридан ҳамон қутулолмаганлик, адибнинг шахси ва ижодига нохолислик билан ёндашиш оқибатидир.

Ўша кезлардаги ҳукмрон мафкура тазйиқи ва таъсири туфайли қалам аҳллари ҳам гуруҳларга ажратилиб ташланган, улардан қарама-қаршиликлар қидирилган ва «топилган» эди. Бадиий адабиётнинг умумбашарий аҳамиятидан кўз юмиш, нохолислик оқибатида Абдукарим Фазлий каби бир қатор истеъдодли шоирларга «Феодал сарой адабиёти вакиллари», «сарой шоири» ёрлиғи ёпиштирилган, ижодларига бир ёқлама қаралиб, хизматларини йўққа чиқаришга уринилган эди. Эндиликда бундай хато қарашлардан, «сарой адабиёти», «сарой шоири» ибораларини салбий маънода қўллашдан қутулиш лозим. Негаки, сарой адабиёти аслида мумтоз адабиётимизнинг таркибий бир қисми, ўзбек адабиёти ва адабий тили тараққиётига катта ҳисса қўшган, кўплаб таниқли истеъдод эгаларини етиштириб берган адабиётдир. Яқин вақтларгача ижоди камситилиб келинган шоир Фазлий Намангоний ҳам ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган катта истеъдод соҳибидир. Унинг шеъриятдаги маҳорати, адабиёт тарихидаги хизмати ҳақғўй адабиётшунослар, адабиёт мухлислари томонидан муносиб қадрланади, юқори баҳоланади.

Фазлий сермаҳсул ижодкор, зуллисонайн шоир, малик уш-шуаро даражасига кўтарилган устоз санъаткор, йирик эпик асарлар муаллифидир. У яратган ғазаллар жозибадорлиги, бадиий баркамоллиги билан ажралиб туради ва мумтоз адабиётимизнинг энг гўзал намуналари сирасига киради. «Мажмуаи шоирон» шеърий тазкирасини тузганлигини Фазлийнинг адабиёт тарихи ва адабиётшунослик фани соҳасидаги бебаҳо хизматидир. Тазкирага Қўқон хонлиги ҳудудида яшаб ижод этган бир юз бир шоир асарларидан намуналар киритилиб, шулардан саксонга яқини тўғрисида анча батафсил маълумот берилган. Таъбир жоиз бўлса, тазкирани ўша вақтда яшаб ижод қилган кўплаб шоирлар ҳақида маълумот берувчи ягона нодир манба дейиш мумкин.

Фазлийни «Амир Умархонга маъқул асарлар ёзишга уринган» деб айблаш нотўғри. Аввало, ижодкор ўз асарларини фақат бир кишига маъқул қилиш учунгина яратмайди. Иккинчидан, Амир Умархон — Амирийга ҳар қандай шеърни ҳам манзур қилиб бўлмасди. Негаки, у нозик таъб шоир, зукко инсон, адабиётни қадрлайдиган, шоирларга ҳомийлик қилиб, нуфузли бир адабий муҳитни вужудга келтирган ҳукмдор эди. Бас, шундай экан, Махмур «Амаким» ҳажвиясида Фазлийга қўйган айблар хусусида ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза қилиб, кейин хулоса қилмоқ керак. Дарслик-мажмуада эса: «Махмур Фазлийни Наманган ва Тўрақўрғонда исқотликда ном чиқарган шахс эканини айтади. Исқот — ўлган одамдан қолган мол-мулкнинг бир қисмига эга бўлиш эвазига унинг фоний дунёдаги гуноҳларини ўз бўйинига олувчи одам эканлигини назарда тутсак, Махмур Фазлийга нақадар оғир айб қўйганини кўрамиз», — дейилади. Таажжуб, агар Фазлий ростданам шу қадар пасткаш одам бўлса, буни била туриб, халқ унинг шеърларига ихлос қўярмиди? Амир Умархон уни «саромади шеър» — шоирлар сардори даражасига кўтариб, «Мажмуаи шоирон» тазкирасини тузишдек муҳим ва масъулиятли ишни ишониб топширармиди? Махмурнинг бирёқлама гапларини мактаб ўқувчисига ҳақиқат тарзида тақдим этиш инсофдан эмас. Агар Махмурнинг Фазлий ҳақидаги гапларини тўғри десак, у ҳолда Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон»да Махмурга қўйган айбларини ҳам ҳақиқат деб ҳисоблаш керак бўлади. Мана, Фазлий Махмурни қандай таърифлаган: «Яхшилардан паст», «хаёлоти бемарҳамат, ҳажвгўйлиги ғийбат ва қаллобликдан иборат, ҳаракатида ёмонликдан бошқа нарса йўқ, нашаванд».

Кўриниб турибдики, икки шоир ўртасида қандайдир шахсий зиддият, адоват бўлганлигини адабиёт тарихидан яхши биламиз. Бу ҳолга ижтимоий, синфий ҳодиса сифатида қараб, ҳажвлардан бирини ҳақ ҳисоблаб, иккинчисини инкор қилиш, шоирлардан бирини камситиш, бошқасини кўкка кўтариш адолатдан эмас.

Дарсликда уқтирилишича, Махмурнинг Фазлийни ҳажв қилишига унинг «иқтисодий жиҳатдан қийинчиликда яшаган»лиги, «сарой муҳитида яшаб тўкин ҳаёт кечиришни истамаган»лиги, «ана шундай шароитда кун ўтказаётганларни эса ёқтирмаган»лиги сабаб бўлган эмиш. «Амаким» шеърий парчасидаги Махмурнинг Фазлийга алам билан мурожаат қилишини ана шу ҳолат воситасида изоҳлаш мумкин», — дейилади китобда. Бу хил таъкид ҳажв ёзилишининг боиси ҳасадгўйлик деган маънони келтириб чиқаради-ку. Шуни ҳам айтиш керакки, Фазлий унчалик тўкин, беками-кўст ҳаёт кечирмаган, анчагина машаққат ва жафолар тортган. Ў ҳақдаги маълумотлар ва шоирнинг кейин топилган бир қатор шеърлари буни тасдиқлайди. Далилсиз даъво, асоссиз хулосалар билан истеъдодларни беҳуда айблашга, қадриятларимизни нотўғри баҳолашга чек қўйиш лозим. Қолаверса, дарслик-мажмуага Махмурнинг «Амаким» шеъридан кўра бошқа бир муҳимроқ ҳажвияси киритилса, маъқул бўларди.

«Ватан адабиёти» китобида бошқа камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, мундарижада Аваз Ў:арнинг «Ҳуррият» шеъри кўрсатилган, саҳифада эса «Ҳиммат» шеъри берилган. Қўшимча ўқиш учун мўлжалланган асарларнинг жойлаштирилиши тартиби мақсадга мувофиқ эмас.

Дарслик-мажмуалар нотўғри талқин ва чалкашликлардан холи бўлиши лозим.

Алихон ХАЛИЛБЕКОВ,
Наманган давлат дорилфунуни доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи,
Нуриддин БОБОХЎЖАЕВ,
шу дорилфунун доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

ЎҚУВЧИЛАР САВДО-КЎРГАЗМАСИ

Ҳар йилнинг куз-қиш фаслида ўқувчилар меҳнати билан ишлаб чиқилган истеъмол буюмлари ва деҳқончилик маҳсулотлари савдо-кўргазмаси ташкил қилиш Нукус шаҳрида анъанага айланиб қолган.

Навбатдаги кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси ҳунар-техника билим юртлари, мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар ва уларнинг ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган 60 миллион сўмлик турли хил маҳсулот савдога чиқарилди. Жумладан, ҲТБЮларининг ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган 7 тоннадан кўпроқ гуруч, 12 тоннадан зиёд қовун-тарвуз, 3 тоннадан ортиқ мева, 6 тонна картошка, сабзи ва пиёз келтирилди.

Савдо-кўргазмада Нукус шаҳридаги 8-ҲТБЮ икки миллион сўмлик маҳсулоти билан қатнашди. Талабалар қўли билан яратилган ҳар хил уй жиҳозлари, кийимкечаклар, чойшаблар, кўрпа-тўшаклар харидорлар диққатини ўзига жалб қилди. Тахиатош шаҳридаги 4-ҲТБЮ вакиллари тайёрлаган мебеллар, пўстинчалар, пойабзаллар ҳам мижозларга манзур бўлди.

Амударё туманидаги 13-, Халқободдаги 15-, Нукусдаги 30-, Тўрткўл шаҳридаги 28-ҳунар-техника билим юртлари, Элликқалъа, Нукус туманларидаги мактабларнинг вакиллари ҳам бу кўргазмада ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни сотишди.

Ғ. ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

ЎҚИТУВЧИГА ЁРДАМ

МУАШШАР НИМА?

Ўтган қисқа даврда учта адабиёт фанини ўқитишнинг дастур лойиҳаси эълон қилинди. Биз 1992-93 ўқув йилидан бошлаб Умарали Норматов раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси яратган «Ўзбек адабиёти» янги дастури асосида иш олиб бормоқдамиз. Дастур ўқитувчидан изланишни, тинмай меҳнат қилишни, илк адабий ёдгорликларимиздан тортиб бугунги истеъдодли ижодкорларнинг асарларидан ҳам хабардор бўлишни талаб қилади. Ёшларни ўтмиш маданиятимиз, тарихимиз, бадиий адабиётимиз, илму фанимиз билан таништириш баробарида уларни фикрлашга, ўқиган бадиий асарининг мағзини чақишга ундайди.

7-синф дастурига Аҳмаджон Табибийнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг «Ошиқ иши оҳ, зор иландур» муашшари киритилиб, муашшар ҳақида назарий маълумот бериш ҳам кўрсатилган.

Албатта, бешинчи ва олтинчи синфларда ўқувчилар рубоий ва туюқ ҳақида назарий маълумот олган бўлсалар-да, арузнинг мусаммат тури ҳақида илк марта тушунча олмоқдалар. Шу сабабли ўқувчиларга аруз вазни ва унинг турлари ҳақида қисқача маълумот бериб, сўнгра А. Табибийнинг муашшари тушунтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Аруз вазнининг баҳрлари тўғрисида 7-синф ўқувчиларига соддароқ маълумот берилиб, унинг мусаммат тури ҳар банди уч-тўрт мисрадан ўн мисрагача бўлиши айтилади. **«Мусаммат арабча «Тасмит» сўзидан олинган бўлиб, луғавий маъноси марварид доналарини ипга тизмоқ, тасмитламоқ, демакдир»**, дейди Р. Орзибеков «Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат» китобида (71-бет). Мусамматлар қофияланиш тизимининг мусаллас (учлик), **ааа, ббб, ввв, мураббаъ** (тўртлик), **аааа, бббв, ввва** каби мухаммас (бешлик), мусаддас (олтилик), мусаббаъ (еттилик), мусамман (саккизлик), мутассаъ ёки тасниъ (тўққизлик), муашшар ёки машрухъ (ўнлик), каби хилларга бўлиниши тилга олинади.

Ўзбек классик шоирлари ижодида мусамматнинг мусаббаъ, мусамман, мутассаъ ва муашшар каби хиллари анча кам учрайди. Афтидан, бандлардаги мисралар миқдорининг салмоқлилиги, ҳар бандда қарийб бир хил қофияларнинг кўп такрорланиши ҳамда ҳар хил сўзларни топиб қофияга хизмат қилдиришдаги қийинчиликлар шоирларнинг бу шаклларга камроқ мурожаат қилишларига сабаб бўлса керак, деб кўрсатади адабиётшунос олим Р. Орзибеков. Муашшар шакли ўзбек адабиётида Нодира, Шавқий Каттақўрғоний ва Аҳмаджон Табибий ижодида учрайди.

А. Табибий арузнинг барча турларида ўз кучини синаб кўрган истеъдодли санъаткор. Унинг «Ошиқ иши оҳ, зор иландур» мисраси билан бошланувчи муашшари тўрт банд — қирқ мисрадан иборат. А. Табибий ушбу муашшарида Фузулий анъаналарини давом эттирган.

Ўқувчиларга Табибий муашшарини ўқиб бериб, мазмунини бандма-банд таҳлил билан тушунтиргач, ифодали ўқиттириш керак. Шунингдек, қофиялар ва радифлар ҳақидаги маълумотлар ҳам талаба билимини мустаҳкамлашда асқотади.

С. УМРЗОҚОВ,
Нурота туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси.



Тошкент Давлат циркида янги йил томошалари. Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

АРМОНЛИ ДУНЁДА УМИДИМ СИЗДАН

Халқимизда ўтмиш ойнасида келажак кўринади, деган ҳикмат бор. Тарихий мавзуга қўл урган адибларимиз ана шу ҳикмат замиридаги ҳақиқатни яна бир бор намоён этишади. Зеро, у халқ тарихи, ватан ўтмиши, шу ватан фарзандлари, уларнинг ўй-хаёллари, орзу-истаклари, қувонч ва изтиробларини чамбарчас боғлиқдир. Умуман, кўҳна тарих бағрига олган аждодлар хотираси авлодлар ёдида турса, уларнинг қўлидан тутиб йўл бошласа, бу авлод бахтиёрдир, келажаги таъминлангандир.

Тарихий мавзу ўзбек адабиётидаги энг асосий ва жиддий йўналишлардан бири. Бу борада адибларимиз қўлга киритган ютуқлар ҳаммага аён. Хусусан, ўзбек халқининг буюк фарзандларидан бири бўлган Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди тарихнавис адибларимиз учун доимий илҳом манбаи бўлиб келмоқда.

Янги мавзуда асар ёзиш нисбатан афзалликларга эга, аксинча, «доимий» мавзуларда қалам тебратишнинг эса ўзига хос машаққатлари кўпроқ. Шу нуқтаи назардан қаралса, таниқли шоир Барот Бойқобиловнинг Навоий сиймосини бадиий жиҳатдан қайтадан, мустақил равишда яратишга бўлган уринишини ижодий жасорат дейиш мумкин.

Бизда «Навоийнома»чилик ўз тарихи ва анъанасига эга. Навоий ҳақида кичик шеърлардан, жажжи лирик асарлардан бошлаб ниҳоятда йирик эпик полотноларгача яратилган. Аммо бу борадаги шеърий романлар силсиласи илк бор юзага келди. Уни бизга Барот Бойқобилов тақдим этди. Бу Навоий даҳосига бағишланган тўрт қаватли шеърий қасрдир. Унинг ҳар бир қаватн Навоий ҳаётининг муайян давр ва босқичларига уйғун келади. Бу қасрнинг пойдевори мустаҳкам эътиқод ва поёнсиз ҳайрат устига қурилган:

Навоий назмига тушдию кўзим,
Ҳайрат гулшанида унутдим ўзимни.

...Буюк тоғлар нчра бўлиб буюкроқ,
Суюк зотлар нчра бўлиб суюкроқ,

Навоий кўринар кўзимга менинг,
Нафаси урилар юзимга менинг...

Мозий чашмасидан қонниб ич, дерлар,
Буюк тоғлар сари дадил уч, дерлар.

...Неча кун, неча ой унутдим ўзни,
Неча йил кўзладим олис юлдузни,

Тарих сўқмоқларин кезиб пиёда
Хаёлим ёришди қадим эндан.

Мухтор элчи бўлиб Ўзбекистондан,
Саодат баҳори кулган даврондан

Қадим Хуросонга азимат этдим,
Ҳирот қопқасининг қабасини тутдим.

Булар ўша ҳайратнинг ифодалари, ўша эътиқоднинг намоён бўлиш шакллари.

Б. Бойқобилов биноларининг пештоқларида ҳар бир қаватга хос ва мос бўлган эпиграфлар мавжуд. Улар қаватлар даражаси, демакки, Навоий ҳаётининг саналарига мос равишда дастлаб унинг ўзидан, сўнг эса замондошлари ижодидан кўчирмалар тарзида келтирилган. Бу кўчирмалар айни пайтда ҳар бир қаватдаги муқаддималардан иборат эшикларнинг тилло калитлари ҳамдир. Бу калитлар билан эшикларни очиб ичкарига кирамиз. Биринчи қават ҳар бири йигирмата хона — қўшиқлардан иборат уч бўлимдан иборат. У «Нотинч Хуросон» деб номланган. Хоналарда «Темур бунёд этган улуғ мамлакат», Ҳирот шаҳри, унинг аҳли,хусусан, Амир Ғиёсиддин хонадони, хонадоннинг энг ардоқли кишиси бўлган Алишер ҳақидаги қўшиқлар янграйди. Улардаги асосий эътибор Алишер туғилиб ўсган муҳит ва оила хислатларини кўрсатиш, Алишернинг шахсий хусусиятларини бадиий тадқиқ этишга қаратилган. Мана, ўша кузатиш натижаларидан бири:

Сўзлашни ўрганган кундан Алишер
Кўнглига ўт солди мусиқа ва шеър.

Китобда Мир Алишер оила даврасида (отаси Кичкина Баҳодир, онаси Маъсума, тоғалари Кобулий, Ғарибий), амалдорлар ҳузурида (Шоҳрух), устозлари (Лутфий, Шарафиддин Али Яздий, Камол Турбатий) қошида, гоҳ хаёл, гоҳ ижод оғушида кўрсатилади. Бунда, энг аввало, Навоийнинг қалб туғёнлари таҳлили етакчи мавқе тутади. Ёш Алишернинг атрофдаги ўзгариб бораётган ҳаёт оқимига муносабати ўзига хос тарзда акс этади. Китобда бу муносабатнинг такомил жараёнлари кўрсатиб берилган. Улар олтмишта қўшиқ шаклида жилваланиб туради.

Бир мисол: Навоий ота-бола Лаълий ва ибн Лаълий Бадахшонийларга алоҳида меҳр қўйган эди. Аммо Абусаид уларни қатл эттиради. Ваҳоланки:

Қанча подшоҳ ўтди — темурийзода,
Бадахшон шоҳларин кўриб знёда,

Элнинг бошига солмадия соя,
Дўстлиги юксалди пояма-поя.

Бироқ Абусаиднинг қонли юриши Бадахшон билан бўлган анъанавий дўстлик ришталарини узган, унинг ўрнига зулм ва истибдод арқонлари тортилган эди. Бу ҳолат Навоий қалбини ларзага солади, руҳида, вужудида Абусаидга нисбатан исён уйғонади:

Бадахшон мулкини вайрон қилмиш жон,
Наҳотки, куйланса мисли қаҳрамон!

Мазкур эпизоднинг яна бир муҳим томони бор. Унда Навоийнинг шеър аҳли билан, илм аҳли билан, аҳли донишлар билан илк яқинлашув манзараларидан бири ниҳоятда жонли ва ишончли тарзда очиб берилган.

Иккинчи қават (китоб) Навоийнинг Самарқанд даврига бағишланган ва «Шукуҳли карвон» деб номланган.

Китоб мисраларига эргашиб борган сари, китобхон кўз ўнгида Навоий ҳаёти, ижодий фаолияти, уни қуршаб турган муҳит, хусусан, аҳли илм, аҳли шеър, аҳли диллар билан боғлиқ манзаралар намоён бўлиб бораверади. Уларда тарих ҳақиқати бадиият мезонларига, ижод қонунларига омухталашган ҳолда кўринади. Улар ўзбек китобхонига ўзлари севган, дил тўрида авайлаб, ардоқлаб келаётган, ҳар бир сўзини кўзларига тўтиё биладиган мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳақида кўплаб маълумотларни ҳам тақдим этади. Бу маълумотларнинг кўпи ҳозиргача, асосан, илм аҳлига, хусусан, навоийшунос олимларгагина маълум эди, холос. Уларнинг ниҳоятда гўзал ва нозик бадиий либосда кўриниши миллионлар қалбидан жой олишига ишонч уйғотади.

Зеро, Навоий ҳақидаги тарих — ўзбек тарихи, ўзбек халқининг, шу халқ яратган маданиятнинг, адабиётнинг тарихидир. Бу тарих билан ошно бўлган кўнгилларда миллий қадриятларга, боқий анъаналарга меҳр, уларни асрашга, ардоқлашга рағбат, шундай ўтмишга эгалик ва тақдирдошликдан ҳузур ва ифтихор туйғулари мавжланиши табиий.

Китоб Навоийнинг Ҳиротдан Самарқандга томон жўнаш тараддуди тасвири билан бошланади. Б. Бойқобилов шу лаҳзада шоир қалбидаги ҳис-туйғулар жунбушини кўрсатишга, уни аниқроқ тасаввур этишга уринади, бунга китобхонни ишонтиради ҳам:

Кўнглида қўзғалар ҳазин ҳиссиёт,
Лангарсиз кемада сузар хаёлот.

Тарих Навоийнинг Самарқанд сафари ҳақида турли хил фикрларни етказиб келган. Ҳар ҳолда, юқоридаги мисралар бу жиҳатдан ўрнига тушган. Айниқса, «лангарсиз кема» ва «сузаётган хаёлот» образлари шоир тақдирига муносиб ифодадир. Худди шу ерда Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад, Лутфий, Фасиҳиддин, Хўжа Афзал сингари Ҳиротнинг малик ул-каломлари билан «учраштирилиши» ниҳоятда таъсирли ва ҳаяжонлидир. Улар орасидаги суҳбат асносида нозик дил торларини ҳаракатга солаётган гоҳ ҳазин ва мунгли, гоҳ суронли ва шиддатли, гоҳ нозик ва ҳузурбахш оҳанглар қалқиб чиқади. Улардаги ўлмас руҳ кишига кўчгандай бўлади. Айни пайтда Лутфий сингари буюк мутафаккир шоирнинг қуйидаги сўзлари ёш Алишер келажагига башоратдай жаранглайди:

Жон каби подоқлаб она тилимни,
Ўздин ризо этдим, балки элимни.

Кимки она тилин етмас қадрига,
Келажак наслнинг учрар қаҳрига.

Армонли дунёда умидим Сиздин,
Қадру камол топинг, эларо сўздин.

Шу ўринда ўша даврга хос хислатлардан бири — зуллисонайнлик анъаналарига адибнинг муносабатини эслатиб ўтиш жоиз. Хусусан, форсий ва туркий тил орасидаги яқинлик, улар орасидаги ижодий мусобақа ниҳоятда нозик ва теран илғаб олинган. Бу илғаш китобхонга ҳам юқади:

Туркигўй шоирлар сурганда қалам,
Ўз она тилидек янграр форсий ҳам.

Форсигўй шуаро назмини безар,
Туркий уммонидан терилган гавҳар.

Дил билан тил кабн бу тиллар сирдош,
Гўёки бир қалбда икки зўр қуёш.

Форсий узук бўлса, туркий кўз эрур,
Туркий қўшиқ бўлса, форсий сўз эрур.

Китобнинг ўзига хос бир композицион топилдиғи бор: асар Навоийнинг Ҳиротдан чиқиб кетиши тасвири билан бошланиб, Ҳиротга қайтиш тараддуди билан якунланади, демакки, Навоийнинг Самарқанд шаҳри билан боғлиқ ҳаёти, ижодий фаолияти қамраб олинади.

Шеърий мисралар зинапояларидан яна бир қават юқори кўтариламиз. Бу қават «Сокин Хуросон» дейилади. Бу даврда мамлакатда Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилар, Давлатшоҳ Самарқандийнинг гувоҳлик беришича, «буюк Амир Алишер Навоий бутун давлатнинг ҳимоячиси ва миллатнинг таянчи» сифатида майдонга чиққан эди. Барот Бойқобилов китобида ана шу даврнинг бадиий солномасини яратади. Даврнинг умумий оҳанги Сакд Ҳасан Ардашер тилида ўзининг табиий ифодасини топган:

Улусимиз хароб, мулкимиз вайрон,
Нодон ҳурматдаю доно саргардон.

Жоҳил иззатдаю оқил гадодур,
Ғумроҳ ишратдаю одил адодур.

Тилимиз кесилган, сўзимиз нолон,
Дилимиз эзилган, кўзимиз гирён!

Уз она юртида занжирбанд шермиз,
Кулбамиз зиндону озодман, дермиз.

Кулгимиз йиғи-ю кўзимиз шамдон,
Илкимиз калтаю дилимиз ғамдон.

Орзумиз саробу фикримиз нодир.
Умримиз ҳубобу зикримиз қодир.

Муҳожир золиму муқим эл тутқун,
Фитнагар қойиду соф кўнгил тутқун.

Илму фан жаҳолат ботқоғида хор,
Шеър, санъат саодат муждасига зор.

Оддий халқ аҳволи эса Жомий сўзлари билан ифодаланган:

Фуқаро ялангоч, қашшоқ ва гадо,
...Дармони қуриган — чиқмайди садо.

Албатта, агар Навоий фақат бошқалардан эшитиш орқалигина мамлакат ва халқ аҳволига баҳо берса, бу образ ҳеч қачон тўлақонли ва мукаммал бўлмас эди. Шунинг учун ҳам Навоийнинг ўз тилидан қуйидаги мисралар учади:

Тинкаси қуриган элнинг закотдан,
Мадрасалар нотинч фисқу фасоддан.

Қишлоқлар хароба, работлар бузғун,
Хонақоҳ, масжидда ин қурган қузғун.

Ариқлар қуриган, ерлар сувга зор,
Йўл, кўприк бузилган, халқ чекар озор.

Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ана шундай мураккаб ва қалтис шароит қамровида кўрсатилар экан, бундаги энг муҳим жиҳатлэр китобхоннинг диққат-эътиборига олиб чиқишга уринилади. Таъкидлаш жоизки, бунга асосан эришилган ҳам. Бу даврда

Шеър — унинг имони, диёнатидир,
Шеър — унинг давлати, сиёсатидир.

Зеро:

Халқнинг дарди билан нафас олиб у,
Осойиш турмушин қилади орзу.

Аммо:

Сарой каби нотинч Хуросон ҳамон:
Гоҳ унда, гоҳ бунда чиқар ғалаён.

хил талқин этишларигина эмас, балки уларнинг табиати, кишиларга муносабатлари ,дунёқарашлари, хуллас, инсоний сифатлари ҳам деярли бир хил бўлганида эди».

Ушбу китоб Навоий даҳосининг ўзига хос қирраларини очиб бериши билан муҳимдир. Тарихий манбалар мутафаккир адибнинг халқ орасида ниҳоятда катта обрўга эгалиги ҳақида кўплаб маълумотларни сақлаб қолган. Б. Бойқобилов шу нуқтага яхши таянч сифатида суянади. Бу фикр тасдиғи учун китобдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина Ҳирот шаҳридаги исён ва исённинг бостирилиши воқеасини кузатайлик. Б. Бойқобилов ўзи идрок этган шу қамровни китобхон кўз олдида гавдалантиришнинг уддасидан чиқади:

Бир пайт юзидан нур ёғилган одам,
Жомъ минбарига қўйганда қадам.

Сув сепгандек жимиб бир зумда майдон,
Жон қулоғин тутди унга оломон.

«Бу киши Навоий бўладилар», деб
Шогирдига айтди уста севиниб.

«Навоий!» — ҳайратнок шивирлар тиллар,
«Навоий!» — сеҳрнок ёд этар диллар.

Навоий даҳосига хос буюклик Ҳусайн Бойқаро билан боғлиқ саҳналарда янада тўлароқ, ойдинроқ, нурлироқ кўринади.

Шеър қасрининг тўртинчи қавати «Қонли Хуросон» деб аталади. Унинг бўлмалари билан ошно бўлган сари мозийнинг қадди-басти шунчалик аниқроқ кўрина бошлайди. Бунда тарихий ҳодисалар, реал воқеалар, жонли инсонлар тасвири ёрдамга келади, Б. Бойқобилов қаламининг кучи кўриниб туради. Навоийнинг Астроободдаги ҳаёти тасвирида китобхон шоир билан бирга нафас олади. Мажиддиддин ҳаракатлари ифодаланган мисраларда кўнгилларда хавотир ва изтироб уйғонади, Навоийнинг дўстлари даврасидаги ҳолатини кўрсатувчи мисралар оҳангида эса қалбларда лаззат ва сурур пайдо бўлади. Мана ўша ҳолатлардан бири: Ҳусайн Бойқарога Навоий ҳақидаги ғийбатлар етказилади. Ҳусайннинг шу пайтдаги ҳолати, унинг подшоҳ ва шоир, амалдор ва инсон сифатидаги қиёфаси чизилади:

Тўрдаги балиқдек типирчилар шоҳ,
Танига наштарин санчгандек жарроҳ.

Қалбида жанг қилар меҳр ва қаҳр,
Ишонч билан гумон, бол билан заҳр.

Шердек олишади дўст билан душман,
Шодлик билан қайғу, хазон ва гулшан.

Эзгулик, ёвузлик юзма-юз турар,
Кундуз билан кеча қизғин баҳс қурар...

Иғво ва унинг манбаларини аниқлашга уриниш фақат Ҳусайн Бойқаро образини нурлантирибгина қолмай, Навоийга нисбатан атрофдаги кўплаб кишиларнинг муносабатларини кўрсатиш учун ҳам хизмат қилган.

Умуман олганда, бу тўрт қаватли шеърий қасрнинг ҳислатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Унинг муҳташам кўриниши ичидаги нозик безаклар билан уйғун тушган. Айниқса, халқ оғзаки ижоди орқали етиб келган афсона, нақл ва ҳикоялардан иборат материаллардан фойдаланиш бино ҳуснини янада оширган. Шу ўринда бинони тиклашда қўл келган алоҳида «пишиқ ғиштлар» ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Гап Навоийнинг ўз асарлари устида кетяпти. Улардан фойдаланишдаги назокат ва дид, маҳорат ва меъёр шундоққина кўриниб туради. Хуллас, Барот Бойқобилов «қурдошлар қилмаган бир ишни қилдим» дейишга тўла ҳақлидир. Унинг «Навоийнинг ҳаёт китоби элга манзур бўлар», деган умиди бугуннинг ўзидаёқ амалга ошиб турибди.

Кези келганда, бу китобнинг Навоий номидаги олий мукофотга тавсия этилгани ниҳоятда ўринли ва лойиқ эканлигини таъкидлаш ортиқчалик қилмас. Навоий руҳини шод қилган адибнинг оғир ва машаққатли, аммо муқаддас ва шарафли меҳнати ҳар қандай ардоққа арзийди.

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор.

Ранго-ранг олам

Ғиёсиддин ХОНДАМИР

ҲАБИБ УС-СИЯР

ИЛОН — бир неча тури бор. Жумладан, безалгансимон, нақшлиси чақса, унинг айрим хили киши ҳалокатига сабаб бўлади. Бошқа бир тури заҳарли бўлиб, қора ва оқ холлари бор. Айтишларича, умри минг йилдан ошгандан кейин кўзлари кўрмай қолади. Шунда у бодиён дарахтини қидириб топади ва кўзларини суртади. Бу ишни кўзлари қайта кўргунга қадар давом эттиради ва мақсадига етади.

Заҳарли илоннинг ғаройиб хусусиятларидан яна бири шуки, унинг кўзларини ўйиб олсалар, қайта ўсиб чиқади. Думини кессалар ва тишларини суғуриб олсалар ҳам, қайта ўсади. Бу илон касалланса, зайтун дарахтини еб, даво топади. Шаробни жуда хуш кўради. Агар унга бу ичимликни ичиш муяссар бўлса, шу даражада ичадики, охири ҳушсиз бўлади ва гоҳида ўлади. Илон яланғоч одамдан қўрқади, қочади. Отнинг терисидан ясалган қамчи билан уришлари ҳамоно ўлади.

ЧАЁН — саҳеҳ (Бухорий)нинг фикрича, болаларини оғзидан туғади ва уларнинг сони жуда кўп бўлади. Ажойиб жиҳати — чаён ўлик одамни, шу қатори кўзи ожизларни ҳам чақмайди, агар одам қўлини ҳаракатга келтириб унга хавф туғдирмаса, у ҳам ҳужум қилмайди. Заҳарли илонни чаққан заҳоти ўлади. Айтишларича, Ҳамс шаҳрида умуман чаён бўлмас, агар бошқа жойдан олиб келсалар ҳам, тирик қолмас экан.

ФИЛ — жуда ҳиссиётли ҳайвон. Эркаги беш яшарлигида қўшилишга майл билдиради, урғочиси икки яшарлигидан ҳомиладор бўлади. Боласи уч йил қорнида туради, туққанидан кейин уч йил эркак фил у билан алоқада бўлишдан ўзини тияди. Эркак фил ўз урғочисини жуда рашк қилади. Фил 400 йилгача умр кўради.

«Матлаъ-ул-саъдайн» да фил овлашнинг қўйидаги ҳикояси мавжуд: «Филнинг сув ичадиган ва чўмилишга борадиган йўлига чуқур қазиб, унинг устини чўп ва турли хашаклар билан беркитадилар. Фил бу чуқурга тушгандан кейин 2-3 кун унинг олдига ҳеч ким келмайди. Кейин кимдир бориб филнинг бошига зарб билан калтак уради. Шу пайт бошқа киши келиб у одамдан филни асрагандек ҳаракат қилиб, уни халос этган бўлади. Секин-асталик билан филга маъқул овқатларни бериб, ўзига ром этади ва уни етаклаб филхонага олиб боради.

Ҳикоя қилишларича, Ҳиндистон филхоналаридан бирида бир фил қочиб кетибди. Одамлар уни ушлаш мақсадида йўлига ов чуқури қазибдилар. Фил бир марта даҳшат тўла чуқур азобини тортган экан. Шу боис сув ичиш ва чўмилишга бораётиб, хартумида узун бир чўпни олиб, қадамлаш олдидан чуқурни қидирар, кейин оёқ босар экан. Ана шунинг оқибатида овчилар филни қўлга киритишдан ожиз қоладилар. Подшоҳ филнинг ақл-заковатидан ҳайратга тушади, бироқ қандай бўлмасин, уни қўлга туширишга амр беради. Охири овчилардан бири фил сув ичишга борадиган йўл бўйидаги дарахт устига чиқиб, фил ўтаётганда ўзини унинг орқасига ташлайди ва филни биринчи гал қўлга туширганларида унинг танасида қолган ипдан маҳкам ушлаб олади. Фил қанчалик изтироб билан ўзини ҳар ёққа урмасин, чаққон овчи гоҳ бу, гоҳ у ёнига ўтиб, ундан ажралмайди. Бошқа овчилар эса пайт пойлаб оғир калтак билан филнинг бошига урадилар. Охири фил таслим бўлади. Овчилар уни яна филхонага қамайдилар, подшо уларни катта мукофот билан сийлайди.

Ҳикоя қилишларича, Ҳинд подшоҳлари ҳар замонда фил овига боришар, қирқ кунгача ўрмонда ов қилишар, шу муддатда лоақал битта филни тутсалар ҳам жуда ваҳима билан гапириб юрарканлар. Улар филни сотиш учун бир вилоятдан иккинчисига олиб борадилар ва уни эътибор билан қарғилаб сотадилар...

ЗУРОФА — қўллари оёқларидан узун, боши туянинг бошига, шохлари мол шохига, териси эчкининг терисига, думи оҳунинг думига ўхшайди. Юрганда биринчи галда чап оёғини кўтаради. Бошқа ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, айрим муаллифларнинг таъкидича, кафтор (танасида хол-хол ранглари бўлган ўлаксахўр ваҳший ҳайвон) билан насоқа (дашт ҳайвони) чатишса, ундан айрим аъзолари отасиникига, айрим аъзолари онасиникига ўхшаш ҳайвон дунёга келади, у ёввойи ҳўкиз билан чатишса, зурофа туғилади.

ТУЯ — айтишларича, туянинг ўт халтаси йўқ эмиш, нигоҳи Зуҳал юлдузига тушган заҳоти ўлади.

ОТ — ҳам ички, ҳам ташқи қиёфасига кўра, энг чиройли суворий жонзот. Олиму уламоларнинг жуда кўп асарларида, жумладан, Саҳеҳи Марвазий асарида от ҳақида кўп фикр билдирилган. Унинг ёзишича, Исфижоб подшоҳи туҳфа тарзида Нўҳ биннн Мансур Сомонийга икки бошли ва икки оёқли от юборган. Унинг ҳар оёғида икки қаноти бўлиб, шу қанотлари билан учар эди.

ҲАММОР — хонаки ва ваҳший зотлари бор. Айтишларича, агар уй ҳаммори шер товушини эшитгудек бўлса, ўзини тўрт томонга уриб, ўта безовталанади. Қирқ йилдан ортиқ яшамайди. Бироқ ваҳший зотлари икки юз йилгача, баъзилари 400 йилгача умр кўради. Бир тарихий асарда ёзилишича, Ардашер Бобохоннинг эшаги дашт томонга қочиб кетади ва баъзи бир ваҳший ҳайвонлар билан чатишиб ундан ваҳший ҳаммор вужудга келган экан. Ва Гумур (хачирнинг ваҳший тури)нинг жинси ҳам тўла ўша эшак зотидандир. Вал илм-андаулоҳу таоло.

ХАЧИР (астар) — от ва эшакнинг чатишиши натижасида вужудга келган. Ажойиб жиҳати шундаки, шамоллаган киши хачир сарғини (ахлати)ни ҳидласа ва унга тупурса, сиҳат топади ва ҳар ким унинг ахлати ёнидан ўтса, шамоллашдан эмин топади.

ҲЎКИЗ (сигир ҳам) — бир неча тури бор, шулардан бири говмишдирки, таърифга ҳожат йўқ. Марвлик Абу Ҳарира Разиуллоҳнинг «Саҳеҳин» асарида кўрсатилишича, кунлардан бирида бир киши ҳўкизга юк ортиб ҳайдаб кетар эди, тўсатдан ҳўкиз унга қараб айтди: «Мен устимга юк ортиш учун эмас, балки ер ҳайдаш учун яратилганман». Шунда ҳўкиз эгаси ҳайратланиб деди: «Субҳон оллоҳ! Ҳўкиз гапирмоқда-я!?».

Султон Муҳаммад замонида бир кишининг уйида тўрт кўзли, икки оёқли бузоқ туғилган. Ҳоқони Мансур Ҳусайн Бойқаро замонида бир сигирни сўйганларида қорнидан кўзлари ҳалқуми остида бўлган бузоқ чиққан. Подшоҳи олам ушбу сатр муаллифи (яъни Ғиёсиддин Хондамир — Ҳ. Қ.)га «Сен тарихчисан, бу нодир воқеани албатта ўз асарингда зикр этишинг керак», деб таъкидладилар.

ҚУЙ — инсон мижозига нисбатан гўшти энг юмшоқ овқат маҳсулотидир. Камина Балхда саккиз қўл-оёқли қўйни кўрдим, бироқ тўртта оёқ-қўли калтароқ бўлиб, ерга тегмас эди.

БУҒИ — катталиги тоғ ҳўкизига ўхшайди. Икки ёшга тўлмагунча шохи чиқмайди. Шохи даставвал иккита бўлиб чиқади, кейинроқ бу шохлари атрофида яна шохалар ўсиб чиқади. Бу ҳолат олти ёшга тўлгунча давом этади, кейин шохлари тушиб ўрнига бошқа шох чиқади. Ажойиби шундаки, буғи мусиқани жуда ёқтиради. Овчилар турли ёқимли мусиқа, савт ва наволарни чалиб, унни банд этиб турадилар, бошқалари орқа томондан келиб ушлаб оладилар. Яна бошқа қизиқ жиҳати — буғи билан балиқнинг бир-бирларини кўриб туриш иштиёқи кучли. Шунинг учун айрим овчилар буғи терисига ёпиниб дарё бўйига бориб ўтирадилар, балиқлар уларни кўришга келиб тўпланганда, овлаб оладилар. Яна бир қизиқ хусусияти, буғи ёз пайтида заҳарли илон ейди, шунда унинг тана ҳарорати кўтарилади ва сув ичиш мақсадида анҳор, дарё бўйига бориб ўтиради. Сув устидан эсаётган нам насимдан баҳраманд бўлиб, чанқоғини босади. Бироқ ичи куйиши туфайли шунчалик кўп сув ичадики, илоннинг заҳари унинг танасидан ташқарига чиқади. Агар шу йўлни тутмаса, ўлади. У заҳарли илонни егандан кейин кўз бурчакларида мумга ўхшаш модда ҳосил бўлиб, қотиб қолади. Бу модда халқ орасида «фодзаҳри ҳайвоний» номи билан машҳур. «Сайди Маъданий» асари муаллифининг фикрича, фодзаҳри ҳайвоний буғининг ичида ҳосил бўлиб, ташқарига чиқади, бўрон, қуюнда саҳрода қолиб, ўлим ҳолатига тушган кишига уни эзиб берсалар, даво бўлади.

КИИИК — бир неча хиллари бор, жумладан, яхши тоифасининг нофида мушк ҳосил бўлади. (Қадимда Шарқ атир-упачилигида мушк жуда кенг қўлланилган. Ундан хушбўй атирлар, тароқ ва упалар тайёрланган. Сунбула ойида пишиб етиладиган узун баргли ўт ҳам мушк деб аталиб, қизлар ундан чамбарак ясаб бошларига киягланлар, қулоқларига тақиб юрганлар. Мумтоз адабиётимизда ёр зулфи (сочи)ни мушкка ташбиҳ бериш кенг қўлланилган — (Ҳ. Қ.) Мушкли кийикларнинг икки тоифаси бўлиб, улар бошқа жинсларидан жуссаларининг катталиги билан фарқ қиладилар. «Факкн афсал ва зуббул-масак» асарида кўрсатилишича, бу кийиклар сунбул ўсимликлари ўсувчи далада овқатланади. Овчилар бу кийиклар нофида қон тўпланиб, тўлгунга қадар уларни кузатиб юрадилар. Қон тўпланиш маромига етганида, кийикнинг қон чиқиб турган нофида қичиш пайдо бўлади, уни кузатганлар эса ҳар жой — ҳар жойга узун-узун қозиқ, чўпларни кўмиб қўядилар. Шунда кийик қичиётган нофини чўпларга қашийди. Бу ҳол нофлар кийикдан ажралгунга қадар давом этади. Шундай қилиб, кийикдан мушк олинади.

Кийикдан бошқа йўл билан ҳам мушк олиш мумкин, аммо бу йўлни ҳикоялаш одоб доирасидан эмаслиги туфайли, зикр этилмади. «Ажойибул-булдон»да ёзилишича, Тибет вилоятида бир ҳайвон мавжуд бўлиб, уни «фаратул-масак» дейдилар. Уни овласалар, нофидан яна бир нофини ажратиб оладилар ва бу нофни қони буткул қуригунча арпа орасида асрайдилар. Ундан юқори сифатли мушк олишган.

Шундай қилиб, ҳайвонот оламининг турли жойларидан қисқа-қисқа ҳикоя қилдик. Энди қушлар ҳақида сўз юритиш фикри хаёлимизни банд этмоқдаки, бу қиссаларга ўтамиз...

Форс тилидан филология фанлари номзоди Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ ўзбекчага ўгирган.

Давоми бор.

(Боши газетамизнинг 1993 йилги 8 декабрь сонида).

Мумтоз матнлар

Жонажон юртимиз, азиз халқимизга билимдон, кенг маълумотли, энг муҳими, маърифатли фарзандлар керак. Бунда, шубҳасиз, мактабнинг ўрни беқиёс. Бироқ ҳозирги шароитда дарсликлар, қўлланмалар танқис. Жумладан, диктантлар ва баёнлар китоблари етишмайди. Шуни ҳисобга олиб, таҳририятимиз ўқитувчиларга ёрдам тариқасида «Мумтоз матнлар» рубрикасини очмоқда. Бу рукн остида мумтоз адабиётимиздан кичик-кичик намуналар, тарихий ҳикоятлар, ривоятлар, эртаклар, асотир ва ҳикматли сўзлар изчил равишда бериб борилади. Биз бунда матнларнинг диктант ва баёнлар учун мўлжалланганини назарда тутиб, уларнинг тарбиявий аҳамиятига алоҳида эътиборни қаратдик.

Дастлабки матнни мумтоз адабиётимиз билимдони, шарқшунос олимимиз Абдуллажон Жувонмардиевнинг «Нодир саҳифалар» («Фан», 1977) китобидан олдик. «Насиҳатнома» сосонийлар сулоласидан бўлмиш Хусрав Ануширвони Одилнинг (вафоти 579 йил) вазири Бузуржмеҳрнинг ўз устозига берган саволлари ва устозининг жавобларидан иборат.

«Мумтоз матнлар» рубрикасини Маҳмуд САЪДИЙ олиб боради.

НАСИҲАТНОМА

БУЗУРЖМЕҲРНИНГ САВОЛЛАРИ ВА УСТОЗИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

— Дунёда энг қимматли нарсалар нима?

— Тан сиҳатлик, бойлик ва хотиржамлик.

— Ишларимни кимга топширсам хотиржам бўламан?

— Ҳасадсиз дўстингга топширсанг хотиржам бўласан.

— Қайси вақтда қандай ишлар қилишим керак?

— Ёшлигингда илм ўрган, кексаликда яхши ишлар билан шуғулланг, бошқа вақтларда эса ўз ишинг билан бўл.

— Кишилар олдида нимани сўзламаслик лозим?

— Кишилар олдида ўз ҳунаридан сўзлайвериш ва ўзини мақташ номақбул одатдир.

— Ёшларга ва кексаларга қайси фазилатлар лозимдир?

— Ёшларга шарм-ҳаё, ишда жасорат, кексаларга мулойимлик.

— Буюк кишилар нима қилишлари керак?

— Яхши билан ёмонни фарқ қилишлари ва ишни ишбилармонларга топширишлари керак.

— Кимдан ҳазар қилиш лозим?

— Мақтанчоқдан, чақимчидан ҳамда бойиб олган хасисдан.

— Кимни сахий деса бўлади?

— Бировга бир нима бергани учун қувонадиган кишини.

— Кишини нималар обрўсизлантиради?

— Бахиллик, мағрурлик, манманлик, хотин-қизлар учун эса шармсизлик ва эрларига ёлғон сўзлаш.

— Кимни бадбахт дейиш керак?

— Такаббур одамни.

— Дунё неъматлари нима билан топилади?

— Илм-ҳунар, меҳнат, қаноат ва шукроналик билан.

— Нима қилсам табибга муҳтож бўлмайман?

— Оз есанг, оз гапирсанг, оз ухласанг ва бўлмағур ишларга қўл урмасанг.

— Энг оқил киши ким?

— Кўп билиб, оз сўзлайдиган киши.

— Хорлик нимадан пайдо бўлади?

— Дангасалик ва бузуқликдан.

— Хафагарчиликка сабаб нима?

— Ёлғизлик.

— Ном чиқариш нимадан бўлади?

— Ўз ишида ҳушёрликдан.

— Ақлли кишилар нимадан пушаймон бўладилар?

— Ўз ишларидаги шошқалоқликдан.

— Ҳамиятни нима йўқотади?

— Таъмагирлик.

— Одобнинг энг яхши амали нима?

— Тавозе.

— Асли тавозенинг ўзи нима?

— Кишилар билан ҳушмуомалада бўлиш, ўз мартабасида камтар бўлиш, кибр ва ҳудбинликдан қўл тортиш.

— Дунёда ҳаммадан бахтли киши ким?

— Ўзини саховат билан безаган, ростдан бошқани сўзламайдиган ва дунёга ҳирс қўймаган одам.

— Ёмон дўстнинг белгиси нима?

— Ёмонликка судраш, сирни ошкор этиш ва иш ўтгандан кейин «Бундай қилиш керак эди», дейиш.

— Нолойиқ иш қилган дўстдан қандай қилиб қутулса бўлади?

— Зиёратига кам борсанг, ҳол-аҳволидан хабар олмасанг ва учраб қолганда бирор ҳожат сўрасанг, нокас дўстингдан осонгина қутуласан.

— Кимларга яхшилик қилиш керак?

— Биринчи галда ақл эгаларига ва фозил кишиларга.

— Кимларга яхшилик қилишнинг ҳожати йўқ?

— Аблаҳ, нодон, бадфеъл ва сассиқ сўз кишиларга.

— Ҳаётда нима ишларга қўл уриш керак?

— Ақл ва зукколикни эгаллаш, поклик ва парҳезкорликка юз тутиш ҳамда дардмандларга ёрдам бериш зарур.

— Қандай кишилар бахтиёр ҳисобланадилар?

— Шогирдлар устозларига, фарзандлар ота-оналарига, эр хотинга, хотин эса эрга иззат-ҳурмат, меҳру муҳаббат ва садоқатда бўлсалар, ундай кишилар бахтиёрдирлар.

— Фосиқнинг қандай белгилари бор?

— Фосиқлар кўришганда лаганбардорлик, орқаворотдан эса ғийбат қиладилар; бошга мусибат тушганда эса хурсанд бўладилар.

— Нималар ғам ва қайишни йўқотади?

— Дўстлар билан кўришиш ва замон фозиллари, оқиллари билан суҳбатлашиш.

— Қандай фазилатлар кишининг мартабасини оширади?

— Қўл остидагиларни ҳурмат қилиш ва ақлсизлардан узоқ бўлиш ҳамда ўтганга пушаймон қиладиганларнинг суҳбатидан қочиш донолар фазилатидир.

— Нима қилсам, кишилар мени ўзларига дўст тутадилар?

— Муомалада ситамкор бўлмасанг, ёлғон сўзламасанг, ваъдага хилоф иш қилмасанг ва тилинг билан кишиларга озор бермасанг.

— Илм билан нимага эришаман?

— Илм билан дунё танийсан ва ўзинг ҳам одамларга таниласан.

— Илмнинг офати нимада?

— Истамаган кишига илмдан гапириш, сўзга тушунмайдиган кишиларга ўринсиз илм ўргатиш илмнинг офатидир.

****

****

— Кимнинг Қорбобоси чиройли?..

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Муҳокама учун мавзу

СИРТҚИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

Ўзбекистондаги таълим истиқлолга қадар фақат собиқ марказ ишлаб чиққан қонун-қоидаларга амал қилиб келганлиги барчага маълум. Бу тартиб-қоидаларда республикамизнинг миллий хусусиятлари ҳисобга олинмаган эди. Фикримизнинг исботи учун собиқ СССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1987 йил сентябридаги 613-буйруғига назар ташлайлик. Унга биноан сиртқи бўлим талабаси назорат ишларини тайёрлаб бўлгач, уни факультет деканатига топширмай, тўғридан-тўғри сессияга ўзи билан бирга олиб келиб, институт домласининг суҳбатидан ўтиши керак. Тасаввур қилинг, филология ихтисоси бўйича талаба қишки 10 кунлик сессияда 4 та назорат иши, 3 та имтиҳон, 6 та синов топшириши даркор. Талаба компьютер қувватига эга бўлганда ҳам улардан муваффақиятли ўтиши амри маҳол.

Шу ўринда ўқув режасидаги номутаносибликни ҳам унутмаслик керак. Назорат ишлари юзасидан бўладиган суҳбатлар учун талаба синов ва имтиҳонларга нисбатан кўп вақт сарфлашига тўғри келади. Чунки институт ўқитувчиси талаба қаршисида ўтириб, иш билан чуқур танишиши, суҳбат ўтказиши лозим. Бунинг учун ҳар бир талабага 1,5 соат вақт сарфлашга тўғри келади. Оқибатда талаба сессияда кўп вақт йўқотади.

Буйруқдаги яна бир кичик жиҳатга диққат қилинг: курсдан-курсга кўчиш учун талаба барча фанлар бўйича синов-имтиҳонларни топширган бўлиши керак, акс ҳолда, институтдан ҳайдалади. Албатта, бунда ўқув режасини тўла бажариш ғояси билан узвий боғлиқлик бор. Лекин аслини олганда, у инсонпарварлик ғояларига, қолаверса, сиртқи таълимнинг халқаро меъёрларига зиддир. Умуман олганда, 613-буйруқ сиртқи бўлим амалиётига, айниқса, Ўзбекистон шароитига мос келмасди. Истиқлол эндиликда сиртқи таълимни ҳам замон талабига мос, ҳам сифат даражасида ташкил қилиш учун уфқлар очмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Республикамиз Президенти И. Каримовнинг ташаббуси билан 1993 йил 4 августда қабул қилган 14—33—122-сонли «Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишга тайёргарлик ҳақида»ги қарори бу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. У бевосита сиртқи таълимга қаратилмаган бўлса-да, бевосита бу таълимга бўлган талабни кучайтиришга хизмат қилади, Ўзбекистонда амал қилиб келган сиртқи олий таълим тизимини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи муовини, ЎзФА мухбир аъзоси Б. Назаровнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган (1993 йил 3 сентябрь) мақоласида айтилган фикрларни тўла қувватлаймиз. Ҳақиқатан ҳам, сиртқи таълим кўпроқ сифат ўрнига сон кетидан қувишлар ва диплом олишнинг осон усули бўлиб хизмат қилиб келганлиги сир эмас. Кейинги даврларда сиртқи олий таълимга эътибор сусайди. У кундузги бўлим соясида қолиб, ўқув хоналари ва жиҳозлар билан таъминланиши ночорлашди. Аксарият ҳолларда уларга бўш ўқитувчилар жалб қилинди. Кундузги бўлимни эплай олмаганлар ёки ўқиш имконияти бўлмаганлар учун таълимнинг бу соҳаси «бошпана» вазифасини ўтайди. Энг ачинарлиси, унинг илмий-ташкилий томонлари ҳал қилинмаганлигидадир. Шу каби номақбулликлар таълимнинг бу тури нуфузини туширнб юборди. Барча олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таълимни мувофиқлаштириш (координациялаш) ташкилотининг йўқлиги таълим сифатининг замон талабларидан орқада қолиб кетишига сабаб бўлди.

Республика ўқув-методика марказида сиртқи таълим бўйича махсус ўқув-методик кенгаш тузишга уриниш ҳам бўлганди, лекин бу кенгаш иш бошлашга улгурмади. Хуллас, сиртқи таълимни такомиллаштиришга қаратилган бирон бир тадбир ишлаб чиқилиб, амалга оширилмади. Таълим жараёни ҳамон 30—50-йиллар даражасида давом этаяпти.

Ҳар қандай таълим янгича қонун-қоида ҳамда бошқариш тизими, илмий-услубий тўлақонлилик асосига қурилмас экан, уни тўғри йўлга солиш амри маҳол. Бизнингча, сиртқи педагогик таълимни ҳар томонлама ривожлантириш, сифатли кадрлар тайёрлаш учун олий билим даргоҳимизда етарли шароит бор. Аввало, сиртқи таълим орқали педагогик билим олишнинг ҳуқуқий асослари ва жаҳон тажрибаси ҳақида икки оғиз фикр юритиш жоиз бўлур.

Шу нарса маълумки, дунё амалиётида, хоҳ ривожланган, хоҳ кам тараққий этган мамлакат бўлсин, сиртдан таълим олишга кенг имкониятлар яратиб берилганлиги ҳақида баъзи маълумотлар бор. Жумладан, 1970-1988 йилларда АҚШда кундузги бўлимда талабалар сони 5,5 миллиондан 7,3 миллион, сиртқи бўлимда 2,4 миллиондан 5,5 миллион кишига кўпайган (Қаранг: «Заочное обучение в зарубежных странах: концепции, практика, перспективы». Москва, 1990 йил, 3-бет). Демак, ривожланган мамлакатларда сиртқи таълимнинг ривожи беқиёс экан. Чет элларда, айниқса, мустақил сиртқи университетларнинг кўпаяётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Буюк Британия Очиқ университетида 120 минг, Германиянинг Хаген сиртқи университетида 25 минг талаба ўқийди.

Тараққий этган давлатларда сиртқи таълим ўзига хос тизимда ташкил этилган. Уларда талаба университет билан ҳар қандай масофадан туриб алоқа ўрната олади. Негаки, радио, телефон, телевидение, компьютер ва бошқа техник воситалар талабалар хизматида. Ўқитишда асосан индустриализация ва коммуникация назариясига амал қилинади. Шуниси диққатга сазоворки, чет элларда сиртқи университетга ўқишга киришда ҳеч қандай чеклаш йўқ. Бунинг учун талабалар жалб қилинади. Қундузги бўлимни эплай олмаганлар ёки ўқиш имконияти бўлмаганлар учун таълимнинг бу соҳаси «бошпана» вазифасини ўтайди. Энг ачинарлиси, унинг илмий-ташкилий томонлари ҳал қилинмаганлигидадир. Шу каби номақбулликлар таълимнинг бу тури нуфузини туширнб юборди. Барча олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таълимни мувофиқлаштириш (координациялаш) ташкилотининг йўқлиги таълим сифатининг замон талабларидан орқада қолиб кетишига сабаб бўлди.

Республика ўқув-методика марказида сиртқи таълим бўйича махсус ўқув-методик кенгаш тузишга уриниш ҳам бўлганди, лекин бу кенгаш иш бошлашга улгурмади. Хуллас, сиртқи таълимни такомиллаштиришга қаратилган бирон бир тадбир ишлаб чиқилиб, амалга оширилмади. Таълим жараёни ҳамон 30—50-йиллар даражасида давом этаяпти.

Ҳар қандай таълим янгича қонун-қоида ҳамда бошқариш тизими, илмий-услубий тўлақонлилик асосига қурилмас экан, уни тўғри йўлга солиш амри маҳол. Бизнингча, сиртқи педагогик таълимни ҳар томонлама ривожлантириш, сифатли кадрлар тайёрлаш учун олий билим даргоҳимизда етарли шароит бор. Аввало, сиртқи таълим орқали педагогик билим олишнинг ҳуқуқий асослари ва жаҳон тажрибаси ҳақида икки оғиз фикр юритиш жоиз бўлур.

Шу нарса маълумки, дунё амалиётида, хоҳ ривожланган, хоҳ кам тараққий этган мамлакат бўлсин, сиртдан таълим олишга кенг имкониятлар яратиб берилганлиги ҳақида баъзи маълумотлар бор. Жумладан, 1970-1988 йилларда АҚШда кундузги бўлимда талабалар сони 5,5 миллиондан 7,3 миллион, сиртқи бўлимда 2,4 миллиондан 5,5 миллион кишига кўпайган (Қаранг: «Заочное обучение в зарубежных странах: концепции, практика, перспективы». Москва, 1990 йил, 3-бет). Демак, ривожланган мамлакатларда сиртқи таълимнинг ривожи беқиёс экан. Чет элларда, айниқса, мустақил сиртқи университетларнинг кўпаяётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Буюк Британия Очиқ университетида 120 минг, Германиянинг Хаген сиртқи университетида 25 минг талаба ўқийди.

Тараққий этган давлатларда сиртқи таълим ўзига хос тизимда ташкил этилган. Уларда талаба университет билан ҳар қандай масофадан туриб алоқа ўрната олади. Негаки, радио, телефон, телевидение, компьютер ва бошқа техник воситалар талабалар хизматида. Ўқитишда асосан индустриализация ва коммуникация назариясига амал қилинади. Шуниси диққатга сазоворки, чет элларда сиртқи университетга ўқишга киришда ҳеч қандай чеклаш йўқ. Бунинг учун талабалар ҳам тўғри эмас. Лекин ҳозирги жиддий аҳвол билан ҳам муроса қилиб бўлмайди. Республикамизда сиртқи таълимни изга туширишнинг ёрқин истиқболлари йўқ эмас. Бунинг учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Сиртқи таълимнинг фаолиятини тўхтатиш мумкин эмас. Балки унга янги руҳ ва мазмун бериб, такомиллаштириш зарур. Шу тариқа сифатли таълим беришнинг шакл ва имкониятларини қидириш, унинг ҳам ташкилий, ҳам мазмуний томонларини ўрганиш учун илмий-услубий ишларни жонлантириш лозим. Шунда сиртқи таълимда сифатсиз кадрлар бўлмайди. Ишга қабул қилишнинг контракт усулига ўтилиши шунчаки диплом олиш деган уринишга чек қўяди ва билимдон ходимни танлашга имконият беради, сиртқи таълим кундузги таълим билан доимий рақобатда бўлиши таъминланади. Талабаларга ҳозиргидек зўрлаб билим бериладиган усул, тартиб-қоидалардан, тизимдан тамоман воз кечиш ҳам тўғри эмас. Лекин ҳозирги ҳолатни ишлаб чиқиш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш энг долзарб масаладир. Нимбакалавр, бакалавр, магистр даражаларини сиртқи таълим орқали олишнинг махсус тадбирларини ишлаб чиқиш мумкин. Бунда нимбакалавр даражаси ўрта мактабнинг I—IX синфларида, бакалавр I—XI синфларида, магистр даражаси лицей, коллеж ва олий ўқув юртида ишлаш ҳуқуқини бериши лозим. Бу ишларнинг тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш учун бизда етарли тажрибалар бор.

Маъмурий марказ бевосита ўқув ишларини ташкил қилиш билан шуғулланади. Турли буйруқларни шакллантириш, машғулотлар жадвалини тузиш, ўқув сессияларини ўтказиш, шунингдек, талабалар ҳужжатлари, ўқув қўлланмалари билан шуғулланади. Бошқача айтганда, бу марказ қўлланма, методик тавсияномалар, турли фанлар бўйича дастурларни яратадиган «комбинат»га айланиши керак. Жаҳондаги барча сиртқи университетларда бундай марказлар мавжуд. Марказга профессорлар, доцентлар ҳамда илмий-методик ишларни ёза оладиган ходимлар жалб қилинади. Профессор-ўқитувчилар эса фақат илмий-методик ишларни тайёрлаш билан банд бўлишади.

Илмий-методик марказ ҳар бир ўқув режасидаги фан бўйича дастур асосида ўқув-методик тавсиянома тайёрлаши ва уни ҳар йили янгилаб бориши керак. Шу муносабат билан назорат ишларидан воз кечилади.

Методик тавсияномаларни компьютерлаштириш муҳим иш. Бунга ҳозир республикамизда тўла имконият бор, яъни, ҳар бир олий ўқув юрти ва мактаб компьютерлар билан қисман таъминланган. Илмий-методик марказда ҳар бир фан бўйича методик тавсияномаларнинг бир неча вариантлари тайёрланиши ва ҳар бир талабага уни кўчириб олишига шароит яратиш зарур.

Бир йилда бир марта сессия ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бу масалани ижобий ҳал қилиш учун чет эл тажрибаларидан фойдаланиш зарур.

Барча фанлар бўйича компьютер тест-синовлари ўтказилиши шарт. Ўқитувчи нутқининг равонлиги, фикрлаш қобилияти, саводхонлигини синаш ва баҳолаш учун ихтисослик фанларидан (камида ҳар сессияда 3 та фандан) имтиҳон ўтказиш фойдадан холи бўлмайди.

Сиртқи таълим ўқув режаларини қайта ишлаб чиқиш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш энг долзарб масаладир. Нимбакалавр, бакалавр, магистр даражаларини сиртқи таълим орқали олишнинг махсус тадбирларини ишлаб чиқиш мумкин. Бунда нимбакалавр даражаси ўрта мактабнинг I—IX синфларида, бакалавр I—XI синфларида, магистр даражаси лицей, коллеж ва олий ўқув юртида ишлаш ҳуқуқини бериши лозим. Бу ишларнинг тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш учун бизда етарли тажрибалар бор.

Сирасини айтганда, сиртқи таълимни ташкил этишнинг янги шакл ва мазмунини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ қилиш фурсати етди.

Назирқул ШЕРБОЕВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти кечки ва сиртқи бўлими проректори, техника фанлари доктори, профессор.

Самихон АШИРБОЕВ,
сиртқи бўлим гуманитар ихтисосликлар факультети декани, филология фанлари доктори, профессор.

«ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ» КУРСИ БЎЙИЧА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 8-СИНФЛАРИ УЧУН ДАСТУР

КУРСНИНГ МАҚСАДИ:

«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курсининг асосий мақсади ахборот, компьютер, алгоритм ва замонавий ахборот технологиялари ҳақида тасаввурларни ҳамда турли масалаларни ҳал этишда компьютердан фойдаланиш қоидалари ва усулларининг оддий кўникмаларини шакллантиришдан; ўқувчиларни мустақил республикамиз ижтимоий ҳаётида замонавий ахборот технологияларининг тутган ўрни, аҳамияти ҳамда фан-техника тараққиётига ижобий таъсири, ривожланиш истиқболлари билан таништиришдан иборат.

КУРСНИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

— замонавий компьютер техникаси, асосий қурилмалари ва иш принциплари билан таништириш;

— ахборотни тасвирлаш, кодлаш, ўлчаш ва қайта ишлаш усуллари билан таништириш, оддий кўникмаларни шакллантириш;

— шахсий компьютерлар билан амалий ишлаш кўникмаларини эгаллаш (ўзлаштириш);

— алгоритмлашнинг асосий кўникмаларини эгаллаш;

— компьютерда масалалар ечиш босқичлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;

— компьютернинг дастурий таъминоти билан таништириш, амалий ва педагогик дастур воситаларида ишлаш кўникмаларини эгаллаш;

— замонавий ахборот технологияларининг жамиятимиздаги муҳим аҳамияти ва истиқболдаги тараққиёти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;

— дастурлаш тилларининг хиллари, тузилиши ва қўлланиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш ҳамда уларнинг бирида оддий дастур тузиш малакаларини эгаллаш.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМИГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курсини ўқиш давомида ўқувчи ахборот ҳақидаги тасаввурни анча кенгайтирган ҳолда уни тўплаш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш технологияларини ўрганиш соҳасида илк маълумотга эга бўлади. Алгоритм ва компьютер каби янги тушунчалар билан турли масалаларни ечиш ёрдамида танишади. Компьютер билан бошланғич мулоқот амалий, педагогик дастур воситалари ва дастурлаш тилларида олиб борилади.

Ушбу курсни ўрганган ўқувчилар қуйидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлишлари лозим:

— ахборотларнинг турлари ва хоссаларини ажрата билиш;

— ахборотлар устида турли амаллар бажара олиш;

— замонавий ахборот технологияларининг элементларини билиш;

— компьютер ва дастурлардан фойдаланишнинг техник, санитария-гигиена кўрсатмалари ва одоб нормаларига риоя этишни билиш;

— компьютердан фойдаланувчи сифатида ишлай олиш;

— оддий масалаларни ҳал этишнинг айрим йўллари ва турларини билиш;

— алгоритмларнинг хоссалари, тасвирлаш усуллари ва турларини билиш;

— алгоритм ижрочиси билан ишлашни билиш;

— дастурлаш тилларидан бирида оддий дастурлар тузишни билиш;

— мактаб курсида учрайдиган ва содда қилиб қўйилган иқтисодий йўналишдаги (ҳаётий) масалаларнинг дастурини тузиш, ечишни билиш;

— амалий ва педагогик дастур воситалари билан ишлай билиш;

— компьютер дастурий таъминоти бўйича бошланғич маълумотга эга бўлиш ва қўллай билиш.

ЎҚИТИШНИНГ МАЗМУНИ

8-СИНФ. (ҳафтада 1 соат, жами 34 соат.).

1. КИРИШ. (2 соат.).

Ахборот тушунчаси. Ахборотни йиғиш, сақлаш, ўзгартириш, узатиш ва қайта ишлаш технологиялари. Ахборотли жараёнлар ва уларнинг турлари. Информатика фани нимани ўрганади?

Замонавий ахборот технологиялари ва уларнинг жамиятимиздаги тутган ўрни, аҳамияти.

Асосий мақсад. Кундалик ҳаётимизда учрайдиган ахборотлар устида амаллар бажариш ва уларни қайта ишлаш мумкинлиги, ахборотнинг қиммати, тўлалиги ва ишончлилиги, турли хилдаги ва ҳажмдаги ахборотларни тезкор ишлаш имконияти, информатика фанининг мақсади ҳамда вазифалари билан таништириш кўзда тутилади. Жамиятимиздаги замонавий ахборот технологияларининг роли билан таништириш.

Асосий тушунчалар. Ахборот, бит, байт, ахборотнинг хоссалари, замонавий ахборот технологияси воситалари.

Билим ва кўникмаларга талаблар. Ахборотнинг турлари ва хоссаларини ажрата олиш, замонавий ахборот технологияларининг элементлари ҳамда информатика фанининг мақсад ва вазифаларини билиш. Ахборотни ўлчаш кўникмаларига эга бўлиш.

2. ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ БИЛАН БОШЛАНҒИЧ МУЛОҚОТЛАР (7 соат.)

Ҳисоблаш техникасининг ривожланиш тарихи. Электрон ҳисоблаш машиналарининг авлодлари, турлари ва тузилиши. Шахсий компьютерлар, мактабдаги компьютер. Компьютер — ахборотларни қайта ишловчи асосий восита. Компьютерларнинг асосий қурилмалари ва ишлаш принциплари. Компьютернинг дастур билан бошқариладиган иш принципи. Ҳисоблаш техникаси хонаси. Компьютерларда ишлашнинг санитария-гигиеник талаблари.

Асосий мақсад. ЭҲМ ахборотлари тезкор қайта ишловчи восита эканлиги, мактаб компьютерининг тузилиши, у билан ишлашнинг асосий талаблари, компьютерни бошқаришнинг дастурли принципи, компьютерда дастлабки амалий иш кўникмаларини ҳосил қилиш билан таништириш.

Асосий тушунчалар. ЭҲМ, мактаб компьютери ва ҳисоблаш техникаси хонаси, хотира, процессор, ахборотларни киритиш-чиқариш қурилмалари, дастур.

Билим ва кўникмаларга талаблар. ЭҲМ тарихи, тузилиши, турлари ва асосий қурилмаларининг вазифаларини билиш. Компьютердан фойдаланишнинг техника хавфсизлиги ва санитария-гигиена талабларини билиш, компьютер билан бошланғич мулоқот кўникмаларига эга бўлиш.

3. ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ АРИФМЕТИК, МАНТИҚИЙ ВА ФИЗИК АСОСЛАРИ (8 соат.)

Саноқ системалари. Позицион ва позицион бўлмаган саноқ системалари. Ўн, икки, ўн олти рақамли саноқ системалари. Турли саноқ системаларида арифметик амаллар бажариш. Бир саноқ системасидан бошқасига ўтиш.

Ахборотни иккилик саноқ системасида кодлаш. Ахборотларнинг компьютерда тасвирланиши.

Мантиқий амаллар ва элементлар. Оддий ва мураккаб мантиқий схемалар. Компьютер ишлашининг мантиқий ва физик асослари.

Асосий мақсад. Саноқ системалари, улар устида амаллар бажариш, ахборотнинг кодланиши, компьютерда тасвирланиши, компьютернинг мантиқий ва физик асослари билан таништириш.

Асосий тушунчалар. Саноқ системалари, позицион саноқ системалари, ахборотни кодлаш, мантиқий амаллар, мантиқий элементлар, схемалар, инвертор, дешифратор, санагич, жамлагич, регист, триггер.

Билим ва кўникмаларга талаблар. Саноқ системалари билан турли амалларни бажара олиш кўникмасига эга бўлиш. Ахборотларнинг компьютерда тасвирланишини, шунингдек, компьютернинг мантиқий ва физик асосларини билиш.

4. АЛГОРИТМЛАР (5 соат.)

Алгоритм тушунчаси. Атрофимиздаги алгоритмлар. Алгоритмнинг турлари; чизиқли, тармоқланувчи ва такрорланувчи алгоритмлар. Алгоритмга доир турли масала ва мисоллар. Компьютерда масала ечишнинг асосий босқичлари.

Асосий мақсад. Ўқувчиларни кечаётган жараённи кетма-кет ифодалаш, унинг алгоритмини тузиш, алгоритмнинг асосий хусусиятлари, тасвирлаш усуллари, турлари, компьютерда масала ечишнинг асосий босқичлари билан таништириш.

Асосий тушунчалар. Алгоритм, кўрсатма (буйруқ), алгоритмнинг хоссалари, алгоритм ижрочиси ва кўрсатмалар тизими, алгоритмни тасвирлаш усуллари, алгоритмнинг турлари, математик модель элементлари.

Билим ва кўникмаларга талаблар. Алгоритмнинг хоссалари, тасвирлаш усуллари ва турларини билиш. Алгоритм ижрочиси ва унинг кўрсатмалар тизимини билиш. Оддий масалаларни кўрсатмалар кетма-кетлигида ифодалашни билиш, алгоритмга оид мисоллар келтира олиш.

5. АЛГОРИТМ ИЖРОЧИСИ

Алгоритм ижрочилари ва уларнинг хиллари. Ижрочининг кўрсатмалар тизими. Кўрсатмаларни бевосита ёки дастурли ҳолатида бажариш.

Чизиқли, тармоқланувчи, такрорланувчи алгоритмлар тузиш ва бажариш, ёрдамчи алгоритмлар тузиш ва асосий алгоритм билан бирга ишлаш. Алгоритмнинг аниқ бир ижрочиси билан таништириш.

Асосий мақсад. Ўқувчини алгоритмнинг аниқ бир ижрочиси билан, турли хилдаги алгоритмларга мисоллар тузиш ва бажариш, мисоллар ёрдамида алгоритмлаш асослари билан таништириш.

Асосий тушунчалар. Асосий алгоритм, ёрдамчи алгоритм.

Билим ва кўникмаларга талаблар. Алгоритм ижрочисининг хиллари ва кўрсатмалар тизимини билиш. Алгоритмнинг аниқ бир ижрочиси билан содда машқларни бажара олиш кўникмаларига эга бўлиш. Алгоритмнинг асосий принципларини билиш.

6. КОМПЬЮТЕРНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ БИЛАН ТАНИШУВ (5 соат.)

Компьютернинг дастурий таъминоти. Дастурий таъминотнинг асосий ташкил этувчилари. Амалий, педагогик ва системали бошқариш дастурлари. Операцион системалар ҳақида бошланғич маълумотлар. Матн ва график муҳаррири билан ишлаш.

Асосий мақсад. Компьютернинг дастурли таъминоти билан таништириш, матн ва график муҳаррири билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш.

Асосий тушунчалар. Дастурий таъминот, матн муҳаррири, график муҳаррир, транслятор, интерпретатор, компилятор.

Билим ва кўникмаларга талаблар. Компьютер дастурий таъминотининг ташкил этувчиларини билиш. Матн ва график муҳаррирлари билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш.

8-СИНФ МАВЗУЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ ИШ РЕЖАСИ

I ЯРИМ ЙИЛЛИК

1. КИРИШ

1. Информатика фани нимани ўрганади?

2. Замонавий ахборот технологиялари ва уларнинг жамиятимиздаги ўрни, аҳамияти.

2. ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ.

3. Ҳисоблаш техникасининг тарихи, авлодлари, турлари.

4 Электрон ҳисоблаш машиналарининг тузилиши ва ишлаш принципи.

5. Ҳисоблаш техникаси хонаси, техника хавфсизлиги қоидалари.

6. Санитария-гигиена талаблари, машқлар мажмуаси.

7. Мактаб компьютери. Асосий қурилмаларининг вазифалари.

8—9. Клавиатура машқилувчиси (тренажёри) билан ишлаш.

3. ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИ ИШЛАШИНИНГ АРИФМЕТИК, МАНТИҚИЙ ВА ФИЗИК АСОСЛАРИ

10. Саноқ системалари.

11. Турли саноқ системаларида арифметик амаллар бажариш.

12—13. Сонларни бир саноқ системасидан бошқасига ўтказиш.

14. Ахборотларни кодлаш.

15. Ахборотларнинг компьютерда тасвирланиши.

16. Мантиқий амаллар ва мантиқий элементлар.

17. Компьютер ишлашининг мантиқий ва физик асослари.

II ЯРИМ ЙИЛЛИК

4. АЛГОРИТМЛАР

18. Алгоритм тушунчаси.

19. Алгоритмларнинг асосий хоссалари.

20. Алгоритмнинг турлари.

21. Алгоритмнинг тасвирлаш усуллари. Блок схема.

22. Компьютерда масала ечишнинг асосий босқичлари.

5. АЛГОРИТМ ИЖРОЧИСИ

23. Алгоритм ижрочилари.

24. Ижрочининг кўрсатмалари тизими. Чизиқли алгоритмлар.

25. Тармоқланувчи алгоритмлар.

26. Такрорланувчи алгоритмлар.

27—28. Асосий ва ёрдамчи алгоритмлар.

29. Умумлаштирувчи машғулот.

6. КОМПЬЮТЕРНИНГ ДАСТУРЛИ ТАЪМИНОТИ БИЛАН ДАСТЛАБКИ ТАНИШУВ

30. Компьютернинг программа таъминоти.

31—32. Матн муҳаррири.

33—34. График муҳаррир.

Компьютерни аввало муаллимлар билиши керак. Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

Тажриба манзили

ТАДБИРКОРНИНГ ТАДБИРЛАРИ

Пўлат Зокировни яхши билган кишилар уни шундай тавсифладилар: Пўлат домла бозор иқтисодиётига бундан қирқ йил муқаддам ўтган. Саккиз сотихлик ҳовлисида йил бўйи кўчат етиштиради. Шаҳар аҳолисинигина эмас, балки ён-атрофдаги хўжаликларни ҳам помидор, карам, булғор қалампири, бақлажон кўчатлари билан таъминлайди. Кўкат бозорда сотилаётган даста-даста кашничу шивитлар ҳам шу оиланинг маҳсули. Ҳовлисида иссиқхона — парник хўжалиги бор. Шунинг ҳисобига йилига 5—6 миллион сўм даромад қилади.

Ушбу хабар билан танишган кишида «Пўлат домла мактабда озми-кўпми дарс олиб, асосий вақтини сердаромад соҳага бағишлаётган муаллим экан-да», деган тасаввур пайдо бўлади. Лекин бу фикрлар кўнглимда чуқур илдиз отмасидан туриб, у киши директорлик қилаётган Жиззах шаҳридаги Отаулла Охунбобоев номидаги 6-ўрта мактабга бордим. Илм масканидаги ўзгаришлар, янгиликлар билан қизиқдим. Бугунги кунда у ерда 80 нафар ўқитувчи фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётир. Ўқувчиларнинг сони бу йилга келиб 1250 нафардан ошди. Муаллимларнинг бир нафари республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига сазовор бўлган, шунингдек, мактабда 15 халқ маорифи аълочиси, 7 методист-ўқитувчи бор. Жамоа ҳар жиҳатдан аҳил, иноқ, дўст, қадрдон. Бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд. Шу боисдан ўзлаштириш ҳам, давомат ҳам ҳар доим юқори. Мана шу заҳматкашларнинг меҳнати самараси ўлароқ, синф хоналари-ю фан кабинетлари бугунги кун талаби даражасида намунали жиҳозланган. Меҳнат устахоналари-ю ошхона, спорт иншоотлари батартиб, мукаммал.

Ўқитувчиларнинг аҳиллигини ифодалаш учун биттагина далил кифоя қилади: мактаб биносини ўтган ёзда таъмирлаш ҳаражатлари 3,5 миллион сўмга баҳоланди. Оталиқ ташкилоти бўёқ, оҳак топиб беришни бўйнига олди-ю бу қадар катта ҳаражатга қурби етмаслигини билдирди. Мактаб жамоаси яқдиллик билан ортиқча ҳаражатга йўл қўймасдан, барча ишларни ўзлари бажаришга келишдилар. Шундай бўлди ҳам, икки ҳафта давомида барча хоналар тўлиқ таъмирланди, бўялди, хуллас, ўқув йилига тахт қилинди. Пўлат аканинг ўғли Бахтиёр пуркагичини ишга солиб, жамоанинг мушкулини осон қилди, деворларни оқлаб берди.

— Ўқитувчилар бундан нима манфаат кўрди, таъмирловчиларга бериладиган пулни бўлиб бердингизми? — деб сўрадим Пўлат акадан.

— Йўқ, бунақа гап-сўз бўлгани йўқ. Асосан, эркаклар ишлашди. Уларнинг ишлаган кунларига ҳақ тўладик, меҳнат таътилига ўн кун қўшиб бердик. Харажатлар мактабнинг ёнига қолди.

Аҳил жамоа меҳнат қилаётган мактабда дарсларнинг сифати, таълим-тарбиянинг услублари, самараси ҳақида ҳам кўп гапларни айтиш мумкин. Лекин бу ишлар ўз қадрини билган ҳар бир мактаб жамоаси учун тааллуқли бўлгани боис, фақатгина айнан шу даргоҳ учун, Пўлат Зокировнинг тажрибаларига хос бўлган тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтишни маъқул кўрдик.

МАЪМУРИЯТ СОАТИ

Ҳеч бир мактабнинг дарс жадвалида кўзга ташланмайдиган дарслар шу мактабда бор. Шулардан бири — маъмурият соати деб аталади. Бу сабоқнинг ўзига хос томонлари нимадан иборат? У қандай ташкил этилади?

Маълумки, ҳар бир мактабда директор ёки илмий бўлим мудири ўқитувчиларнинг дарсини кузатади, таҳлил этади, фикр билдиради. Мактаб маъмурияти бу билан ўз вазифасини ўтаган ҳисобланади. Бу мактабда эса маъмурият соати дарс жадвалига йилига икки марта — ўқув йилининг бошида ва иккинчи ярим йиллигида киритилади. Маъмурият соатини асосан мактаб директори ўтказади. Бу пайтда иш 45 минутлик дарсга мўлжалланган дастур асосида олиб борилади.

Директор дарсга киргач, синф боши синфдаги ўқувчилар сони, аълочилар, ўзлаштириши ўртача ва ёмон бўлган ўқувчилар, интизомни бузувчилар, синфдаги давомат ва ўзлаштириш ҳақида батафсил маълумот беради. Танишув тугагандан сўнг мактаб директори мактабнинг тарихи ҳақида, бу даргоҳда таълим олган таниқли кишилар ҳақида, мактаб жамоаси, ўқитувчилар, улар орасидаги хизмат кўрсатган ва халқ маорифи аълочиси унвонига сазовор бўлганлар ҳақида сўзлаб, мактабда нечта ўқувчи бор, нечтаси аълочи, шу йил мактабни тамомлаганлар, олий ўқув юртига кирганлар, вилоят, шаҳар миқёсидаги олимпиадалар ва спартакиадаларда ғолиб чиққанлар хусусида, қанча ўқувчи касб-ҳунар ўрганаётганлиги ҳақида ҳикоя қилади ҳамда ҳаётимиздаги, мустақил республикамиздаги ўзгаришлар, юртбошимиз И. А. Каримовнинг юрт фаровонлигини ошириш йўлида, ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлари тўғрисида ўқувчиларга тўлиқ маълумот беради.

Бу ўз навбатида ўғил-қизларда мактаб, унинг анъаналари, шарафи ҳақида ғурур туйғусини уйғотади. Улар ҳам ўқишда, жамоат ишида, интизомда ўзлари таълим олаётган даргоҳга муносиб бўлишга ҳаракат қиладилар, ўқитувчилар ҳам ўзлари раҳбарлик қилаётган синфнинг гоҳида ота-оналар, собиқ ўқувчилар таклиф этиладиган — маъмурият соатларида ўз синфларини ота-оналар мажлисларининг фойдаси ҳаминқадар. Демак, бошқача йўл тутиш керак. Оталарни бевосита дарсга жалб қилиши лозим.

Кўп фикрлашувлардан сўнг бу ғалати дарснинг тартиби шаклга тушди. Аввало, оталар дарсининг жадвали тузиб чиқилди. Бу жадвалда қайси отанинг қай кун, қай соатда келиши аниқ белгиланди. Сўнг оталарни мактабга чақириш учун ягона нусхадаги таклифнома чоп этилди. Таклифномани бир ой муқаддам олган ота мактабга келишга ўзича тайёргарлик кўради. Албатта, оиладаёқ болаларининг ўқиши, туриш-турмуши билан қизиқади. Белгиланган куни мактабга келиб, синф раҳбари билан суҳбатлашгандан сўнг дарсга киради.

Ота дарсга киргач, синфбоши синф ўқувчилари ҳақида тўлиқ маълумот беради. Айниқса, дарсга келган отанинг фарзанди ўқиши, хулқ-атвори, ўқитувчилари-ю, ўртоқлари билан муносабати, фанларга қизиқиши, жамоат ишларидаги иштироки ҳақидаги ҳамма гап рўй-рост айтилади. Шу тахлитда ота ўз фарзандининг кимлигидан огоҳ бўлади.

Сўнгра ота қайси касбда бўлишидан қатъи назар, ўзи ҳақида, ҳаёт йўли ҳақида, касбининг ўзига хос хусусиятлари, халққа етказаётган фойдаси, бугунги кун ҳамда келажак истиқболи, муҳити ҳақида батафсил гапиради, яъни, дарс ўтади. Болаларни қизиқтирган саволларга жавоб беради.

Кўпчилик ўртасидаги бу танишув ота билан болага қанақа таъсир этишини тасаввур этиб кўринг-а? Бундан ҳам ота, ҳам бола унутилмас сабоқ олмайдими? Фикримизча, бу сабоқ нафақат ўша отанинг фарзанди ўқишда, тартиб интизомда ўзгариш ясашига, балки бошқаларнинг ҳам касб-ҳунар танлашига, ҳаётда ўз йўлини белгилаб олишига туртки бўлади.

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Маълумки, бошланғич — 1—4-синфда болаларни битта ўқитувчи ўқитади ва раҳбарлик қилади. 5-синфга ўтгач вазият ўзгаради. Тўсатдан 13—14 нафар муаллим дарс бера бошлайди. Бошқа-бошқа ўқитувчилар томонидан бошқа-бошқа хоналарда сабоқ олиш 11 ёшли болаларни довдиратиб қўяди. Энг муҳими, сабоқ бераётган ўқитувчилар болаларнинг ҳар бирига хос бўлган позициклардан бехабар, бинобарин, ҳаммасини бирдек кўради. Илгари ўрганган синф раҳбарига ўхшаб, фельдфебелга айланиб қолган ўқитувчи ҳам, ҳар бир ўқувчининг ўзига хос қизиқишларини ҳисобга олмайдиган ўқитувчи ҳам ўқувчиларнинг ҳаётига, келажагига бефарқ қарайди. Ўқувчи ҳам ўқитувчига ўзини ёпиқ тутади. Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам

Истиқлол мафкураси—давр эҳтиёжи

ЎҚИТУВЧИ БУРЧИ

Президентимиз И. Каримов саъй-ҳаракатлари туфайли миллий истиқлол мафкурасини яратиш бугунги куннинг бош мавзуси қилиб қўйилди. Юртбошимизнинг Олий Кенгаш сессиясидаги, ижодкорлар билан учрашувидаги нутқлари бунинг ёрқин далилидир. Тўғриси, мафкурасиз тузум ҳам, жамият ҳам йўқ. Мафкурасиз одам эса қоронғуда юрган чироқсиз кишига ўхшайди. Ким қаёққа етакласа, ўша томонга кетаверади. Айниқса, Ватан, ватанпарварлик, ота-она қадр-қимматини тушуниб етмайди. Ўз ота-диёри, аждодлари, тарихи бой маданияти билан фахрланиш ҳисси бегона бундайларга. Шу боис мустақил давлат келажаги бўлган ёшларни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишда миллий истиқлол мафкураси ҳар қачонгидан ҳам зарур. Бунда халқ зиёлилари зиммасига улкан вазифалар юкланади. Ахир, тарбияда нимагадир таяниш, суяниш керак-ку! Таг замини бўлмаган иморат узоқ чидаб бера олмаганидек, мафкурасиз жамият ҳам узоққа бора олмаслиги ҳаммага аён.

Бозор муаммолари, тақчил бўлиб турган шу кунларда ўқитувчилар, тарбиячилар вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар сабабларини тўғри талқин қилиб беришлари лозим.

Ўқувчиларни она-Ватанни севиш, ардоқлаш, унинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши, тараққиёти учун садоқат билан хизмат қилиш, она-диёрнинг ҳар бир қарич ерини, тупроғини, бойликларини, табиати ва ҳайвонот дунёсини авайлаб асраш, келгуси авлодларга қолдириш, уларни муқаддас, табаррук деб билиш, аждодлари, тарихи, маданияти билан ғурурланиш ҳиссини туйиш, миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва удумларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш жуда муҳим. Бу миллий истиқлол мафкураси учун асос бўлса, лоқайдлик, ўғрилик, таъмагирлик, порахўрлик, валдамчилик, адолатсизлик, хушомадгўйлик, мунофиқлик каби салбий хислатлар эса мустақиллик йўлидаги тўсиқлардир. Гиёҳвандлик, қашандалик, ичкиликбозлик, туҳматчилик, қитмирлик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик каби иллатлар жамият тараққиётига ғов.

Ҳали ҳам ишингиз тушса қўлингизга қарайдиганлар, амалидан шахсий бойлик орттираётганлар йўқми? Адолат байроғи остида адолатсизликлар ҳам бор. Озиқ-овқат ва саноат молларини четга чиқариб кетаётган нафс бандаларини кўриб, билиб турибмиз-ку!

Ҳа, бу каби қусурларга қарши турувчи авлодни тарбиялаш долзарб масаладир. Бунда давлат байроғи, герби, мадҳияси, Конституциясига садоқат руҳида тарбия беришнинг аҳамияти катта. Биз Шундай Ватани борлиги билан, унинг фарзанди экани билан фахрланиш ҳиссини туяди.

Ўқувчиларни миллий истиқлол мафкураси асосида тарбиялашда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари билан ўтказиладиган учрашувлар, китобхонлар конференциялари, кўриктанловлар, байрам кечалари каби синфдан ташқари тадбирларнинг ҳам аҳамияти беқиёс. Янги инсон ана шундай тадбирларда шаклланади, вояга етади, камол топади.

Аждодларимизнинг озодлик ва истиқлол йўлидаги фидойиликлари ёшларимиз учун ибрат мактабидир. Бунда тарбиявий соат ва «Одобнома» дарсларининг аҳамияти, айниқса каттадир. Дарҳақиқат, аждодларимиз жасорати ва мардлигига оид, истиқлолга эришган она-Ватанимиз ҳақида «Спитамен шу замин фарзанди», «Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди — миллий қаҳрамон», «Амир Темур — буюк зот», «Бобур — она-Ватан куйчиси», «Мустақиллик ва унинг қадр-қиммати», «Ватанни ҳимоя қилиш — бурч», «Ўзбекистон Конституцияси энг — демократик қонун», «Ўзбекистонни жаҳон танийди», «Улар Ватан озодлиги ва истиқлоли учун курашганлар» каби мавзуларда ўтказилаётган суҳбатлар, тарбиявий машғулотларнинг таъсири катта.

Ёшларни инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда муқаддас китоб «Қуръони Карим», «Ҳадис»и шарифга тенг келадигани йўқ. М. Кошғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг», А. Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Кайковуснинг «Қобуснома», А. Яссавийнинг «Ҳикматлари», С. Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», А. Жомийнинг «Баҳористон», А. Навоийнинг жами шоҳ асарлари, ҳикматлари қўлланмадир. Халқ оғзаки ижодининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ривоятлар, эртаклар, қўшиқлар, достонлар тарбияда жуда асқотади.

Буюк ижодкорлар, донишмандлар яратган дурдоналарни ўқиб ундан таълим олсак, маънавиятимизни бойитсак, айни муддао бўларди. Афсуски, китоб ўқишни билмаймиз, унга эътибор йўқ. Китобхонлар камайиб бормоқда. Айниқса, ўзбекча китоблар қишлоқ жойларда жуда кам. Болалар учун ўқишли, чиройли китоблар топилмайди.

Миллий истиқлол мафкураси яратилар экан, юртбошимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолалари ва бошқа кўплаб йиғилишларда сўзлаган нутқлари биз зиёлилар учун йўлчи юлдуз, муҳим қўлланма бўлиб ҳисобланади. Бу асарларни аввало ўзимиз ўқиб ўрганишимиз, кейин ўқувчилар онгига сингдиришимиз лозим. Таълим-тарбияда ишни ана шундай, янги, миллий истиқлол тарбияси беришдан бошлаш ва уни амалга ошириш ҳар биримизнинг онгли бурчимиздир.

Шамидулла ОТАҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 1-ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, халқ таълими аълочиси.

Куй ва қўшиқ — қалб таржимонидир. Ота-боболаримиз қўшиқ куйлаб бинолар тиклаган, мамлакатни обод қилган, керак бўлса, қўшиқ билан жангга отланганлар, юртни қўриқлаганлар. Момоларимиз эса қўшиқ куйлаб, фарзанд тарбиялаганлар, унинг камолоти учун эзгу оҳанглар орқали қайғуриб, ниятларига етганлар.

Юнусобод туманидаги Абдулла Қодирий номидаги маданият уйида бир қанча тўгараклар ишлаб турибди. Унда фаолият кўрсатаётган ўзбек миллий чолғу ансамбли туманда ўтказиладиган тадбирларнинг файзли бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, ансамблнинг иқтидорли аъзолари Фахриддин Ҳакимов, Насриддин Қурбонов, Борис Вагазов ва Эркин Солиҳовлар кўпчиликнинг меҳрини қозонишган.

СУРАТДА: ансамбль аъзолари.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Нафосат бўстони

ХАЛҚ МУСИҚАСИ — ИФТИХОРИМИЗ

Мустақил юртимизда рўй бераётган туб сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар халқ таълими тизимига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги янги Қонуни мазмунида умумтаълим мактабларида мусиқий таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор бериш ва бу ишга ижодкорлик билан ёндашиш талаб қилинади. Бунда ўз миллий маънавиятини тўғри англаган, халқ руҳиятини теран ҳис эта оладиган халқпарвар ёш авлодни тарбиялашдек муҳим вазифалар кун тартибига қўйилган.

Модомики, шундай экан, умумтаълим мактабларида олиб борилаётган мусиқа дарсларини моҳиятан ўзгартириш, уларда асосий урғу ўзбек халқи мусиқа ижодиётига берилмоғи мақсадга мувофиқдир. Чунки халқимизнинг миллий куй-қўшиқларида ёшларни мардликка, ҳалолликка, покликка ҳамда маънавий қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотишга қаратилган олижаноб туйғулар мужассам. Албатта, бундай масъулиятли вазифани амалга ошириш учун, аввало, халқ мусиқа ижодининг яхши билимдони бўлган малакали мутахассислар керак.

Зеро, мусиқа дарсларининг мазмун-моҳияти кўп жиҳатдан ўқитувчининг билим савияси, миллий куйларни эъзозлаши, уларни бадиий етук тарзда ижро эта олиши ва, умуман, маданият даражаси каби омилларга боғлиқдир. Аммо халқ мусиқа ижодининг ўзлаштирилиб борилишида биргина мусиқа дарслари билан кифояланиб қолмаслик — мусиқий таълим-тарбиянинг фаол шаклларидан ўринли фойдаланиш жоиздир.

Мактабдан ташқари муассасаларда, мусиқа тўгаракларида ўқувчилар фольклор ансамблини тузиш муҳим аҳамиятга эга. Тўғри, бундай тадбирларнинг амалга оширилишида ўзига хос мураккабликлар мавжуд. Ансамблга зарур бўлган дастур — қўлланмалардан тортиб ижрочилар учун чолғулару, кийим-либосларни ҳозирлаш ва бошқа муаммолар шулар жумласидандир. Бу қийинчиликларни рўкач этиб, бундай ансамбллар-жадваллари, машғулотлар мавзуси ишлаб чиқилади. Бу иш бажарилгач, асосий машғулотларга ўтилади. Машғулотларнинг шакллари ҳам турлича бўлиши мумкин. Авваламбор, ансамбль: кичик (4—6-синф), ўрта (7—8-синф) ва катта (10—11-синф) гуруҳдан иборат бўлади.

Ансамбль раҳбари ўқувчиларга халқ чолғу асбобларини ўргатиш ва уларда жамоавий тарзда ижро этиш кўникмасини ҳосил қилиш билан бир қаторда мусиқа назарияси, қизиқарли фольклор намуналари, халқ мусиқачилари борасида ҳам маълумот бериб бориши машғулотлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Айниқса, мусиқа тинглашга катта аҳамият бермоқ зарур. Машҳур халқ санъаткорлари, бахшилари, созандаю хонандалари ижро этган куй-қўшиқ намуналарини грамёзув ёки бошқа техник воситалар орқали тинглаб бориш муҳимдир. Маҳаллий жойларда таниқли бўлган халқ санъаткорлари билан учрашув ўтказиш, улар билан мусоҳаба ва «жонли тинглов» уюштириш тадбирлари ҳам ғоят муҳимдир.

Ўқувчиларда ёшликдан бошлаб халқ бадиий анъаналарига ҳурмат назари билан қарашни тарбиялаш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Бунинг учун турли йўл-йўриқлардан фойдаланиш мумкин. Уйга вазифа тариқасида ансамбль иштирокчиларига ота-оналари, қариндош-уруғлари ёхуд маҳалладошлари билан ва азалдан айтиб келаётган (ёки анъанавий) қўшиқни ўрганиб келиш топшириладиган. Албатта, ўқувчилар қўшиқни мукаммал ўрганиб келишлари мушкулдир. Шу боис улар ўрганилаётган қўшиқ ҳақида иложи борича кўп маълумот тўплашга ҳаракат қиладилар. Чунончи, қўшиқ тахминан қайси даврлардан бери ижро этилади, уни қайси вазиятда куйлаганлар, қўшиқ матнидаги номаълум ёки тушунилиши қийин бўлган сўз-атамалар мазмуни сўраб-суриштирилади. Имкони бўлса, қўшиқ магнитофонга ёзиб олинади. Сўнгра бу қўшиқлар ансамбль машғулотлари жараёнида тинглаб кўрилиши ва лозим топилса, ўрганилиши мумкин. Бундан ташқари, ансамблнинг раҳбари ҳам ўқувчиларни ана шундай қўшиқлар билан таништириш учун «саёҳат» уюштириши мумкин.

Яна шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, ҳар бир қўшиқ ҳақида иложи борича кенг ва атрофлича маълумот тўплашга ҳаракат қилмоқ керак. Диққатга сазовор қўшиқларни эса саҳналаштириш, яъни қўшиқ куйланадиган вазиятни саҳнада «жонлантириш», унинг мазмунини ҳатти-ҳаракатлар воситасида акс эттириш мумкин. Бу эса халқ ижодини ёшлар орасида тарғиб қилишда ниҳоятда маъқул йўлдир.

Фольклор ансамбли вақти-вақти билан концертлар бериб туриши, унинг ижодий ўсишига кафолат беради. Чунки ансамбль ижро этаётган халқ куй-қўшиқлари тингловчи томонидан қарсаклар билан ўзига хос баҳолаб турилади. Ўқувчилар учун эса бу қарсаклар рағбатлантирувчи бир туртки бўлади.

Мактаб ва мактабдан ташқари шароитда фольклор ансамбларини тузишдан мақсад — бу ёш авлод хотирасида авлод-аждодларимизнинг улуғ сиймосини қайта жонлантириш, уларнинг бетакрор бадиятидан баҳраманд бўлиш ва қадриятларимизни ўз ўрнига қўйиш, айни вақтда ёшларимизни шу кунларда авж олаётган айрим енгил ва сершовқин куй-қўшиқлар таъсиридан муҳофаза этишдир. Чунки миллий куйларни қалбларига жо қилган ёшлар чинакамига нозик дид ва бадиият соҳиби бўлиб етишишлари шубҳасиздир.

Фозилжон ХИДИРОВ,
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

Меросимизни ўрганамиз

ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИ

Ўзбекистон истиқлоли муносабати билан республика адабиёт таълимида сезиларли ўзгаришлар содир бўлаётир: тоталитар давр мафкураси, ғоявозлик, ҳукмрон сиёсат талаблари асосида яратилган дастур, дарслик ва бошқа ўқув-методик адабиётлар маънан ва мазмунан эскирганлиги сабабли янги ўқув-методик адабиётлар яратилаётир.

Бундан бир неча йил муқаддам хоразмлик бир гуруҳ адабиётчилар — олимлар, услубиётчилар ва тажрибали муаллимлар томонидан умумтаълим мактабларининг 5 — 11-синфлари учун ўзбек адабиётидан ёндош дастур яратилган эди. Унда адабиёт дарсларида маҳаллий материаллардан кенг фойдаланиш, шулар асосида ўқувчиларда она юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини янада кучайтириш, авлод-аждодларимиз яратган бой ва ранг-баранг адабий меросга ихлос хислатларини тарбиялаш сингари олижаноб ниятлар кўзда тутилган эди.

Тўғри, дастур бўлиши яхши, бироқ ўқувчи ва муаллимларга унинг асосида қўлланмалар етказиб берилиши янада муҳим. Шуни назарда тутган ҳолда ўтган йили вилоят матбуот бошқармаси «Хоразм» таҳририят — нашр бўлими томонидан Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро», «Урганч давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, профессор Нурмуҳаммад Қобуловнинг «Хоразм адабий муҳити» (1-китоб) қўлланмасининг беш минг нусхада чоп этилиши айтишга арзигулик ҳодиса бўлди.

Н. Қобуловнинг «Хоразм адабий муҳити» қўлланмасида энг қадимги даврлардан то асримизнинг 30-йилларигача бўлган давр асосий материаллари қамраб олинади. Жумладан, «Хоразм» атамасининг келиб чиқиши ҳақидаги ҳикоятлар ва ривоятлар, тарихий манбалар қиёсий таҳлил этилади ва ишончли хулосага келинади.

Мазкур қўлланмада Хоразм адабий муҳити 6 муҳим даврга ажратилган ҳолда талқин этилади: 1) Энг қадимдан араблар Хоразмни истило этишигача; 2) араблар истилосидан мўғуллар ҳукмронлигигача; 3) XIV аср, Темур ҳукмронлиги даврigача бўлган адабиёт; 4) XIV — XVII асрларда Хоразмда маданий ва адабий ҳаёт; 5) XVIII асрдан XIX аср биринчи ярмигача бўлган адабиёт; 6) XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида Хива хонлигида маданий-адабий ҳаёт». Сарҳисоб мавзуларда даврга хос тарихий, адабий, фалсафий масалалар бир нуқтага келтирилиб таҳлил этилади, Рабғузий, Мунис, Огаҳий, Комил, Феруз, Табибий, Аваз, Сўфи, Мирзо, Баённий каби таниқли санъаткорлар ижодий портретларига чизгилар берилади.

Илгари профессор Н. Қобулов қўлланмасига қадар ҳам Хоразм адабий муҳити, унда яшаб ижод этган санъаткорлар ҳақида кўп илмий, илмий-оммабоп асарлар яратилган, ижод йўллари, алоҳида асарлари таҳлил этилган. Қўлланмадаги янгилик шундан иборатки, муаллиф барча маълумотларни мактаб ўқитувчиларига мос тарзда ягона «ип»га тизиб чиқади, айрим санъаткорлар ижоди юзасидан мавжуд «қолип»лардан чекинган ҳолда асосли, ҳолис мезонлар билан баҳолашга интилади. Хусусан, у Феруз, Табибий каби шоирлар адабий меросини таҳлил этишда кўзга ёрқин ташланади. Умуман, қўлланмани ўқиган кишида, қарийб минг йиллик тарихий муддат ичида қадимий ва бой маданий меросга эга бўлган халқ дурдоналари ҳақида етарлича тасаввур пайдо бўлади. Шу боисдан мазкур қўлланма фақат муаллимларгагина эмас, балки жамоатчилик учун ҳам фойдалидир.

Қўлланма тарғиби муносабати билан Хоразм вилояти маданий ҳаётида юз берган бир воқеага эътиборингизни жалб қилишни истардим. Хоразм вилояти ҳокимининг фармойиши билан яқинда вилоятнинг илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида Беруний ва Огаҳий номидаги мукофотлар таъсис этилди. Бу қувончли воқеа келгусида воҳада илм-фанинг барча соҳаларида сезиларли ўзгаришларга туртки бериши табиий, албатта.

Хуллас, профессор Н. Қобуловнинг «Хоразм адабий муҳити» қўлланмаси вилоятда адабиётшунослик илми ва адабиёт таълимини янада яхшилаш ва юксалтиришга мўлжалланган фойдали асар сифатида Огаҳий номидаги вилоят мукофотига муносибдир.

Бахтиёр ҚУРБОНБОЕВ,
Республика ўқув-методика маркази ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг мудири.

БИР СОАТЛИК

МУАЛЛИМЛАР

МАРҲАМАТ. Тумандаги 18-ўрта мактабнинг фаранг тили муаллимаси Мунисхон Абдураҳмонова 7-синф ўқувчилари билан ўтказган очиқ тарбиявий соат «Нон нашидаси» деб номланди. Сабоқни ўқувчиларнинг ўзлари олиб бордилар.

Қўчқор ТЕШАБОЕВ ўғли.

МУАЛЛИМ-ШОИР БИЛАН

УЧРАШУВ

ПАСТДАРҒОМ. Мели Бобоқулов маорифчиларимиз орасида фидойи муаллим, ижодкор шоир сифатида танилган. Янги йил арафасида тумандаги 28-ўрта мактаб ўқувчилари муаллим-шоир билан учрашдилар. У ўқувчиларга шеърларидан ўқиб берди.

Тоғаймурод РАВШАН ўғли.

КОМПЬЮТЕР БИЛАН

ТИЛЛАШИБ...

ТОШКЕНТ. Ўқувчиларни замонавий техникадан бохабар қилиш давр талаби. Шу боис мактабларда махсус компьютер синфхоналари ташкил этилаяпти.

Янги йил арафасида пойтахтимиздаги 40-ўрта мактабда ҳам ана шундай синфхона очилди. Эндиликда ўқувчилар компьютер билан тиллашиш сирларини катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Лолахон АБДУЛЛАХОН қизи.

Қадриятларимиз

ДЎППИ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ўзбекистон дўпписи ҳаммага ярашади. Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ёш авлодни миллий урф-одатлар ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги кунда ҳар бир зиёлининг муқаддас бурчидир. Бу жиҳатдан Ўзбекистон халқлари тарихи фани жуда бой имкониятларга эга.

Яқинда чоп этилган «Турон тариҳи» тўпламида Чуст дўпписи яратилган давр маданияти ҳақида қизиқ маълумотларни ўқиб қолдим. Дарсда ўқувчиларга шу ҳақда гапириб берганимда, улар буни катта қизиқиш билан қутиб олишди.

Халқ томонидан яратилган ҳар қандай маданий ёдгорлик беиз қолмайди. Маълумки, дўппи ўзбек халқининг севимли бош кийимларидан бири. Бу бош кийими ҳар бир вилоят, воҳа ва водийда ўз номи билан аталади. Дўппининг юздан ортиқ тури бор. Биргина Фарғона водийсида унинг ўндан ортиқ турини учратиш мумкин. Булардан энг машҳури Чуст дўписидир.

Тўпламда дўппига шундай таъриф берилган: Дўппининг пайдо бўлганига икки ярим минг йилдан ошди. Дўппининг тарихи жуда мураккаб. Халқда тупроқдан пайдо бўлганмиз, деган гап бор. Шунинг учун бутун Ер шаридан сув қисми «чиқариб» юборилиб, шарнинг ярми «олиб қолинган», ва у тўрт фаслга, ўн икки ойга бўлинган. Дўппидаги гуллар оддий эмас, балки у ўн икки ойдир. Дўппи ардоғида қора чўяк (айлана) бўлиб, бу дўзах дегани, унинг ўртасида нозик оқ чизиқ бор, бу жаннатга ўтадиган Пулсирот (кўприк)дир. Дўппининг гулида ярим ойнинг нусхаси ётибди. Халқимизнинг ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ деган сўзи ҳам дўппида акс этган. Дўппида ёруғ қисми олинган, холос. Ой атрофидаги кашталар юлдузлар ҳисобланади. Бу эса аёлларимизнинг ўз фарзандларига юлдузинг иссиқ бўлсин деган мақсадини гуллар орқали баён қилинганидир.

Хуллас, бу бош кийимда мардлик, жасорат, ҳалоллик, поклик каби белгилар мужассам.

Нодир Чуст дўпписи тимсолидаги бундай рамзлар миллий туйғу устиворлигидан далолат. Бундай маълумотлар ўқувчиларда миллий урф-одатларимизга, анъаналаримизга халқимизга хос касб-корга ҳурмат билан қараш ҳиссини уйғотиши муқаррар. Чунки биргина дўппи тикиш жараёнининг ўзи аёлларимиздан катта ҳаётий тажриба, ақл-заковат, зеҳн-идрок, юксак дид, мушоҳада юритиш, кузатувчанлик каби фазилатларни талаб қилган.

Жўрабой ҲАЙДАРОВ,
Чуст шаҳридаги муаллимлар тайёрлаш билимгоҳининг ижтимоий фанлар ўқитувчиси.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ИНСОН

Ўз эли маданияти, маорифи юксалишига бутун фаолиятини, ақл-заковатини бахшида этган кишиларни халқ ҳеч қачон ёдидан чиқармайди, ҳамиша эъзозлайди, унинг ҳаёти ва ижодини авлодлар учун намуна этиб кўрсатади. Абдулла Авлоний (1878—1934) ҳам ана шундай мангуликка дахлдор зиёкорлардан эди. У ўзбек педагогикаси, матбуоти, театри ва адабиётининг асосчиларидан бири сифатида, айниқса, 20—30-йилларда самарали фаолият кўрсатди, ижтимоий ва педагогик фаолияти учун «Меҳнат қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. Абдулла Авлонийнинг педагогик қарашлари бугунги кунда ҳам ўзбек миллий мактабини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис унинг ижодий меросини чуқур ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда.

Яқинда А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман педагог-олимнинг ўзбек педагогикаси тараққиётига қўшган илмий мероси таҳлилига бағишланди.

Анжуман қатнашчилари Марказий институтда ташкил этилган Абдулла Авлоний музейининг тантанали очилиш маросимида қатнашдилар, атоқли педагогнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган экспонатлар билан танишдилар. Музейдан Абдулла Авлоний яратган мумтоз мактаб дарсликлари, қўлланма ва мажмуалар билан бир қаторда унинг маорифчилик, муҳаррирлик, актёрлик ва бадиий ижодига оид маълумотлар ҳам ўрин олган.

Марказий институтнинг мажлислар залида ўтказилган «Абдулла Авлоний ва ўзбек педагогикаси» мавзуидаги илмий-амалий анжуманни институт ректори, профессор Ғ. Шоумаров кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Ҳ. Масъудов анжуман қатнашчиларини атоқли педагог-олимнинг бой илмий меросини атрофлича ўрганишдек ва педагогика амалиётга жорий этишдек шарафли ишда фаолликлари билан қутлади. «Бу тадқиқот ишлари, — деди нотиқ, — ўзбек педагогикаси қадриятларини тиклашга, айни пайтда ҳозирги замон миллий мактабини яратиш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади».

Анжуманда Тошкент давлат университети доценти Улуғбек Долимовнинг «Абдулла Авлонийнинг педагогик қарашлари», шу университет катта ўқитувчиси Шуҳрат Ризаевнинг «Абдулла Авлоний ва ўзбек театри», халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти кафедра мудири, доцент Туйғуной Ниёзметованинг «Авлоний ижодини мактабда ўрганиш», шу институт бошқарув кафедраси доценти Маҳмуд Алимовнинг «Атоқли педагог-олимнинг иқтисодиёт соҳасидаги фикр ва мулоҳазалари» мавзуларидаги маърузалари тингланди. Анжуман қатнашчилари Абдулла Авлонийнинг ўғли Кенжа Авлонов ва қизи Ҳакима Авлонованинг отаси ҳақидаги хотираларини қизиқиш билан эшитдилар.

М. РАҲМОНОВ.

Суратда: Абдулла Авлоний музейининг очилиш пайти.

А. АКМАЛОВ олган сурат.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Мамлакат САЙДАЛИЕВА!

Сизни туғилган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Илм йўлида эндигина тетапоя бўлаётган ёшларга, яъни бошланғич синфларга сабоқ беришдек масъулиятли ишингизда муваффақиятлар тилаймиз. Доимо соғ-омон бўлинг.

Шайхонтоҳур туманидаги 38-мактаб жамоаси.

Ҳурматли Рисқинисо ШОМАҲМУДОВНА!

Меҳнат фаолиятингизни оддий ўқитувчиликдан бошлаб, беш йилдирки, РЎММнинг дефектология бўлимини бошқариб келаяпсиз. Сиз яратган қўлланма, дарслик ва дастурлардан кўпчилик муаллимлар фойдаланишмоқда.

Умрингизнинг 50 баҳорини қаршилаётган экансиз, Сизга доимо омад ёр бўлсин.

РЎММ раҳбарияти, дефектология бўлими ходимлари.

Ҳурматли Маҳкам Зияҳўжаев!

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан табриклаймиз. Илмга қўшган ҳиссангиз туфайли физика-математика фанлари доктори, профессор даражасига эришдингиз.

Ушбу қувончли кунларда Сизга узоқ умр тилаймиз.

Низомий номли педагогика институти, А. Авлоний номли Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ҳамда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари.

Қадрли Клара ШОКИРОВА!

Кўп йиллардан буён мактабимизнинг ўқувчиларига она тили ва адабиётидан сабоқ бериб, улар қалбига инсоний хислатларни сингдириб келасиз. Шу билан биргаликда биз шогирдларингиз ҳам Сизни билимдон устоз сифатида қадрлаймиз.

Таваллуд топган кунингиз нишонланаётган ушбу кунда Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

Юнусобод туманидаги 272-мактаб жамоаси.

Янги китоблар

Э. ТУРДИҚУЛОВ.

ФИЗИКА ВА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ

Қўлланмада экологияга оид назарий материаллар ва уларни ўқитиш методикаси ўз аксини топган. Қўлланма мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, табиат тақдири билан қизиқувчи китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Мутахассисликка оид хусусиятларни ҳисобга олиб («География» ва география-биология»), қўлланмада педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун геология курсини ўрганишнинг энг қулай йўллари танланган.

Э. СОБИТОВ.

ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ҚИСҚА КУРСИ

Мазкур ўқув қўлланма олий техника ўқув юртларида сиртдан ўқийдиган талабалар учун мўлжалланган дастурга мувофиқ ёзилди.

Қўлланмада проекциялаш усуллари, нуқта ва тўғри чизиқнинг ортогонал проекциялари, текислик, текислик ва тўғри чизиқ, икки текислик, проекцияларни қайта тузиш усуллари, эгри чизиқлар, торслар ва уларнинг ёйилмалари ҳамда айланиш сиртлари, аксонометрия ва бошқа кўпгина масалалар баён қилинган.

С. ОРИФЖОНОВ, Р. СУЛТОНҚУЛОВ.

ФИЗИКАДАН МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Ушбу китоб 500 га яқин савол ва масалаларни ўз ичига олади. Қўлланма физика чуқур ўрганиладиган мактабларнинг 8-синфлари дастурига (1988) мослаб тузилган бўлиб, тўрт бобдан иборат. Тўпламда физик ҳодисаларни чуқур тушуниш учун ёрдам берадиган сифат масалаларига кенг ўрин берилган. Шу билан бирга, формулаларни келтириб чиқаришга, ҳисоблашга доир мураккаб масалалар ҳам кўп бўлиб, улардан тўғарак ишларида, олимпиадаларга тайёрланишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ф. НАСРИДДИНОВ, Э. ШАТЕРНИКОВ.

ИНСОН ОМИЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

Ушбу қўлланмада мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламлари билан жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб боришни тубдан қайта қуришнинг объектив зарурати асослаб берилади. Инсон омилини фаоллаштиришда, ижтимоий меҳнат самарадорлигини оширишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ўзига хос тарзда талқин қилинади. Қўлланма олий ўқув юртларининг талабалари, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига, спортчи ва тренерларга, «Жисмоний тарбия ва спорт социологияси», «Педагогика» ўқув курсларига мўлжалланган.

С. АЛИХОНОВ.

МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ушбу қўлланма педагогика институтлари ва дорилфунунларнинг «Математика ўқитиш методикаси» курси дастури асосида ёзилган бўлиб, унда математика ўқитиш методикаси предмети, мақсади, бошқа фанлар билан алоқаси, математик тушунчалар ва уларни киритиш методикалари; математик таълим методлари ва дарсларда ўқувчилар тафаккурларини ўстириш каби мавзулар ёритилган.

Китоб педагогика институтлари ва дорилфунунларнинг математика факультетлари талабалари ва ўрта мактаб математика ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшма ва жамоат ташкилотлари ҳамда умумий педагогика кафедраси шу кафедранинг докторанти, педагогика фанлари номзоди Зуҳра Валиевага онаси

Замира ВАЛИЕВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқув-методика маркази шу марказнинг бош мутахассиси Муқаддас Сидиқовага отаси

Абдухолиқ СИДИҚОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ҲУМОЮН

ЧОЙХОНА

Чойхоначи, дилкаш мезбоним,
Бир пиёла аччиқ чой маъқул.
Олов давра алангасида
Исинмоқни истабдир кўнгил.

Бир пиёла чой-ку баҳона,
Дил ошуфта танбур куйига.
Бошланаркан аста, пинҳона,
Авжга чиқиб кетар аския.

Ташвишлардан фориғ бу макон,
Юракларнинг ширин суҳбати,
Кулгу ила ёдлайди, инон,
Сўйлаб қолса чоллар ҳасратин.

Саҳаргача ўчмайди олов,
Неча гаплар сўйланар такрор,
Кетгинг келмас бу ердан дарров,
Ташқарида гуппиллайди қор...

ИҚРОР

Сен энг азиз борлиқсан, умр,
Ҳам беқадр ёрлиқсан умр,
Кенгликмисан, торлиқсан, умр,
Беҳушлик, бедорлиқсан, умр.
Умр,
турфа рангга тўйибсан,
Суюбсану, аммо куйибсан.
Олтин-зарга меҳр қўйиб сен,
Борлиғингни бериб қўйибсан.
Умр, кел манзилга ошиқма,
Етолмассан у ерга ёлғиз,
Сўнгги тупроқ кўчада у кун
Қадамингдан қолмас сўнгги из.
Ошиқма, манзилга тошиқма,
Кел, дилларга меҳмон бўлиб кел,
Кел, дилларга мезбон бўлиб кел...

РАВШАНЛИК

Терак учларида қорнинг кўз ёши
Пана-пастқамларда қишнинг бардоши,
Кўкламни эслатур кунниг қароши,
Қиш авжида баҳор бир дамлик —
Бир дамлигу, аммо равшанлик.

Қуёш, аёзларда нигоҳинг синиқ,
Шунданки, сандалнинг чўғлари ёниқ,
Кўнгилда уйғотдинг туйғулар — илиқ,
Ҳайрият, йўқолди хира туманлик,
Олис-олислар ҳам яқин, равшанлик.

Бу не, борлиқ кунни суйишимикан,
Бу не, аёзларнинг куйишимикан,
Бу не, дил диллигин туюшимикан,
Совуқ кунлар ҳолида тангланк,
Илиқ кунлар боши — равшанлик.

ШАМ

Ташқарида рутубатли куз,
Юрагимда сўнмаган ғулу,
Деразамда митти бир юлдуз —
Бир ҳовуч нур ё ёниқ туйғу
Кулбам ичра таратур ёғду.

Ул тун бўйи ёниб чиқади,
Яраланар қора шарпалар.
Шам наздимда шоир сингари
Саҳфа узра ташлайди назар,
Сатрларга сочилади зар.

Гоҳо дарахт, гоҳ гулга менгзар,
Қилич мисол эгилади дам,
Эй, дил айтгил нимани истар
Рўбарўмда ёнаётган шам —
Бедорликни сўраётган шам.

ҲАССА

Ҳассамикан чолнинг суянган тоғи,
Куз ўтган сўнг қишдаги боғи.

Шу таёқ учида чизилган режа —
Насиҳат бўлади ҳар тонг, ҳар кеча.

Набирасин койиб қўяди бобо,
Ҳассани от қилиб чопса мабодо.

Гарчи ўзгартолмас йўлнинг изимни,
Чол қўлидан бермас отнинг тизгинин.

ОРЗУ

Отлар елар, ёллари оппоқ,
Туёқлари, йўллари оппоқ,
Оқ либосда чавандозлар —
Муқаннанинг сонсиз лашкари.

Оҳистаю сассиз елишар,
Майсаларга изсиз елишар,
Оқ либосга бурканган боғлар,
Оқ либосга бурканган тоғлар.

Сойдан чиқар, тушади қирдан,
Қуршаб олар борлиқни бирдан,
Ўша виқор, салобат билан
Яна ғойиб бўлади
Туман...

ТАСКИН

Салқиган қовоқлар,
Беҳис нигоҳлар,
Сохта табассумлар —
Тубн йўқ чоҳлар...

Дунёда меҳрга тўла кўзлар бор!

Эй, ширинзабонлар,
Ширин ёлғонлар,
Эй, дили пинҳонлар,
Дили гумонлар...

Дунёда жонзиқ аччиқ сўзлар бор!

УМИД

Бунча олисларга боқмасанг, Умид —
Ишончнинг ошноси бечора Умид.
Шубҳа панжарасин ортидан, маъюс,
Кулранг туман бағрини ўйиб,
Бунча олисларга боқмасанг, Умид —
Интизор кўзлардан нигоҳлар эмас,
Қушлар учаётир, бесабр қушлар...

ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА

Аср бошида бир одам ҳар йили ўртача 2 кг қанд ва ширинлик истеъмол қилган бўлса, ҳозирги кунда бу 20 марта ортган. Организмда қанчадан-қанча ортиқча, ишлатилмаган энергия тўпланади. У йўқ бўлиб кетмайди, балки эҳтиёт учун сақланади. Масалан, бор-йўғи 200 калориянинг ортиқлиги (яъни 100 г нон, 2—3 дона конфет, 50 г торт) организмда 20 г ёғ тўпланишига олиб келади. Бир ойда 600 граммни ташкил қилади. Бир йилда-чи? Бундай жадаллик диабет, атеросклерозга элтувчи равон йўлдир.

Қандниинг суткалик истеъмол нормаси 70—100 г бўлган ҳолда уни 160—180 г ёки 200 граммдан ортиқроқ истеъмол қилинишига умуман йўл қўйиб бўлмайди. Бу, айниқса, болаларга тааллуқли. Модда алмашинувининг бузилиши, турли касалликлар ва... пулнинг беҳуда сарфланиши мана шундандир. Сўмлар арзимаган тийинлардан таркиб топади. Соғлиққа қарши сарфланган сўмлар бошқа зарур мақсадларга кетказилгани маъқул.

ТУРКИСТОНИМ— МЕҲВАРИМ

Яқин ўтмишда биз ўзга хаёллар билан яшардик. Пўлат истеҳком ичра мунглиғ эдик. Истиқлол бизга олам эшикларини очди. Ўзбекистон жаҳонга юз тутди. Энди биз ҳам фахр ва нфтихор билан миллатмиз, жаҳонга илм — маърифат, маданият ва санъат нурини сочган мўътабар зотлар фарзандимиз десак бўлади.

...Бу зот билан бир мажлисда танишдим. Кечикиброқ келгандим. Саҳоватпеша бу одам Саудия Арабистони фуқароси, юртдошимиз экан. Миллати — ўзбек, исм-шарифи Зуҳуриддин Туркистоний. Фурсат топиб жанобнинг суҳбатини олдим.

— Зуҳуриддин ака, оғир ҳаёт йўлини босиб ўтган кўринасиз. Ҳаётингиз ва фаолиятингиз тўғрисида гапириб берсангиз. Қандай қилиб саудиялик бўлиб қолгансиз?

— Билсангиз керак, 1930 йиллар суронли давр бўлган. Биз асли Андижон—Ўш тарафларданмиз. Отам Миробид Мирзони қулоқ қилишгач, Шарқий Туркистонга (Қашқарга) қочиб ўтган эканмиз. Ўшанда мен бир яшар гўдак бўлганман. Гапираверсам, гап кўп. Хуллас, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркияга ҳам ризқимиз сочилган экан.

Йиллар ўтди. Улғайдим. Падари бузрукворимиз Кобул шаҳрида бандаликни бажо келтирдилар. Рўзғорни тебратиш менга қолди. Тиним билмадим. Тижорат ишлари билан шуғулландим. Оллоҳ ҳам ҳаракат қилсанг, бераман, дер экан. Кам бўлганимиз йўқ. Каттагина давлат орттирдим. Нон-насиба экан, Саудия Арабистонида муқим яшаб қолдик. Хусусий шифохонам ва мулким бор.

— Ўзбек тилида ниҳоятда тоза гапираяпсиз. Бунга қандай эришгансиз? Ўзга юрт, ўзга тил. Қолаверса, Сиз Ўзбекистондан кетганингизда гўдак бўлгансиз...

— Биз қаерда бўлмайлик, баҳамжиҳат, ўзбекона яшадик. Бу деганимнинг боиси, у ёқларда туркийлар кўп. Ўз элимизни, ўз тилимизни бир лаҳза бўлса-да, унутмадик. Билсангиз, биз учун «Ўзбекистон», «Туркманистон» деган иборалар йўқ, яккаю ягона Туркистон бор. Ўзбек, қозоқ деган сўзлар инқилобдан сўнг пайдо бўлган. Она Туркистонни озод кўриш орзуси юрагимизда оғир дард, армон эди. Шукркким, насиб этди. Хорижий юртларда бўлсак-да, она юртни озод этиш ниятидан сира воз кечган эмасмиз. Бу йўлда изчиллик билан сиёсий кураш олиб бордик.

— Сиёсий курашларингиз нималардан иборат бўлган?

Мунтазам равишда газета, журналлар чоп қилдик. Уларда туркий халқларнинг ўтмишдаги шавкатли кунлари ва мавжуд шароитдаги аҳволи тўғрисида маълумотлар бериб бордик. Радио ва телевидениеда кўрсатувлар ташкил этдик.

— Зуҳуриддин ака, Ватан туйғуси биздан ҳам кўра Сизлар учун азиз ва мўътабар бўлса керак?

— Саудия Арабистонида саодатли кунларим кўп бўлган. Оллоҳга шукр, у ерда қадрим бор, иззатим бор. Аммо киндик қон томган азиз тупроқни, Ватанни унутиб бўладими? Мудом юртни соғиниб, қўмсаб яшадик. Алалхусус, Ватанга келиш насиб этди. Икки йил ичида Туркистонга бу учинчи сафарим...

— Турмуш тарзингиз, оилангиз тўғрисида ҳам билишни истардим.

— Умр йўлдошим Атияхон ҳам ўзбек. Етти нафар фарзандимиз бор. Ҳаммаси ўқимишли, зиёли. Америка Қўшма Штатларида, Оврупо мамлакатларида, Истамбулда таҳсил кўришди. Ўртанча ўғлимизни Тошкентдан уйлантирдик. Келинимиз Нодирахон ҳозир биз билан Жиддада яшаяпти.

Турмушимиз ёмон эмас. Жидда, Макка, Тоиф ва Истамбул шаҳарларида шоҳона уйларимиз бор.

— Саудия Арабистони халқ таълими, жумладан, мактаб ва боғчалар ҳақида бир оз маълумот берсангиз.

— Саудия Арабистонида маорифга эътибор жуда катта. Мактаб, хадона (боғча) ҳам хусусий, ҳам давлатга тегишли. Болалар дастлаб ибтидоий мактабда 6 йил, ўрта таълимда 6 йил, санавия мактабларида 3 йил таълим оладилар. Сўнгра дорилфунунда ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Ҳар бир мактаб, хадона бир—биридан кескин фарқ қилади. Уларнинг дарс тизимигина эмас, ҳатто кийимлари — либослари ҳам ўзига хос. Мактабда ўғил болалар билан қиз болалар ажратиб ўқитилади. Хадоналарда ҳам шундай.

— Муштарийларимизга тилакларингиз?

— «Маърифат» мухлислари саломат бўлсинлар. Уларга Озод Туркистоннинг ҳур фикрли, ҳур қалбли, ҳур кишилари бўлиш абадул-абад насиб этсин.

— Ўзингиз ҳам соғ-омон бўлинг. Туркистонга тез-тез келиб туринг.

— Иншоаллоҳ...

Суҳбатдош Шарофат ИСКАНДАР қизи.

Ўсмир ва қонун

СУД ЗАЛИДА БОЛАЛАР

Ҳуқуқий давлатни барпо этиш истиқболимиздаги энг муҳим вазифалардир. Қай бир давлатда қонун устивор бўлса, ўша мамлакат мустаҳкам бўлади. Буни яхши англаган Собир Раҳимов тумани халқ судида ҳам қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти. Улар ёшларимизни мактаб партасиданоқ қонунчилик билан таништира бориш мақсадида тумандаги турли мактабларда тез-тез учрашувлар ташкил қилишмоқда, «Ўсмир ва қонун», «Жиноят ва жазо», «Жиноят ўзи нима?» каби мавзуларда суҳбатлар уюштиришаётир. Ўқувчиларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига киритилган ўзгартишлар билан таништириб, улар орасида қонунчилик юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

Бу галги учрашув аввалгиларидан бошқачароқ бўлди. Туман халқ суди раиси Ҳамиджон Жалилов 249-мактабнинг юқори синф ўқувчиларини суд залига таклиф қилди. Устозлари Мавлуда Раимова, Комилжон Ингамбоев, Шоҳиста Жалилова бошчилигида келган ўқувчилар юз бор эшитгандан, бир бор кўрган афзал, деганларидек, суд биносини кўздан кечиришди, қора курси-ю, темир панжараларни ўз кўзлари билан кўришди. Учрашув чоғида судья Бахтиёр Сайфуллаев, прокурор ёрдамчиси Азим Абдуллаев ҳамда оқловчи Фармон Мўминов ўқувчиларга ўз иш тажрибаларидан сўзлаб беришди, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтаришди.

Ўқувчилар ўғирлик содир қилган, 1977 йилда туғилган ўсмир Рустамжон Юсуповнинг суд жараёнида иштирок этишди. Учрашувдан кўзланган мақсадга тўла эришилганлигини ўқувчиларнинг гап-сўзларидан ҳам пайқаш мумкин эди. Улар темир панжара ортидаги тенгқурлари Рустамжоннинг тақдирига ачиниш билан бирга ўзларида ҳаётга нисбатан масъулият ҳиссини сезиб қайтишди.

Ф. ЖАЛИЛОВА.

Суратда: С. Раҳимов туман халқ судида бўлган учрашувдан лавҳа.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир ўринбосари: Абдунаби ҲАЙДАРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Ашурали АҲМЕДОВ, Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Саъдулла ҲАКИМ (бош муҳаррир), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Шарофат Норқулова.

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—756. 38503. нусхада босилди, ҳажми 2 бос ма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Босишга топшириш вақти— 20.00. Топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6.